

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ
АҲОЛИ УЧУН
ҲУҚУҚИЙ ТЎПЛАМ**

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун
ҳуқуқий тўпلام.** Расмий нашр. Ўзбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий
ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 163 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	7
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР.....	8
ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҲУҚУҚЛАРИ КОНСТИТУТЦИЯДА	10
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОДЕКСЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ.....	12
Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси	12
ЎН САККИЗ ЁШГАЧА БЎЛГАН ХОДИМЛАР УЧУН:.....	14
НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН:.....	19
Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.....	24
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНУНЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ	29
Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни	29
Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни.....	38
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҲУҚУҚЛАРИ.....	62
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб- қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [07.03.2024 йил ПҚ-122-сон]	62
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [31.10.2023 йил ПҚ-353-сон]	64
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [28.09.2023 йил ПҚ-319-сон]	66
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир	

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони [28.07.2023 йил ПФ-120-сон].....	70
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизimini йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони [01.06.2023 йил ПФ-82-сон].....	71
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент метрополитенидан фойдаланишда пенсия олувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида”ги Фармони [15.03.2023 йил ПҚ-94-сон].....	75
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизimini такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [27.02.2023 йил ПҚ-74-сон].....	76
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [19.01.2022 йил ПҚ-92-сон].....	78
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [11.08.2021 йил ПФ-6277-сон].....	82
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	84
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ““Темир дафтар” орқали ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори [31.05.2024 йил 313-сон].....	84
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори [31.05.2024 йил 316-сон].....	88

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори [11.03.2024 йил 123-сон]	100
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори [11.03.2024 йил 124-сон].....	112
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [14.10.2023 йил 539-сон].....	118
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим тоифаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [05.09.2023 йил 450-сон]	127
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори [23.03.2023 йил 122-сон].....	129
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳар йўловчилар транспортда айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори [16.09.2022 йил 507-сон]	135
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [07.06.2022 йил 312-сон]	138
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [31.03.2022 йил 145-сон]	146

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори [21.10.2021 йил 654-сон] 150

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ““Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори [12.10.2021 йил 637-сон] 156

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори [28.03.2018 йил 244-сон] 162

КИРИШ

Аҳоли турмуш даражаси сифатини яхшилаш, алоҳида ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек уларни амалга оширилишини таъминлаш мақсадида кўплаб дастурлар ва йўл хариталари ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан, кекса, боқувчисини йўқотган ва меҳнатга лаёқатсиз шахслар, ўзгалар парвариши муҳтож ногиронлар, кўп болали ҳамда кам таъминланган оилалар, шунингдек “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да рўйхатда турувчи аҳоли тоифаларининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор имтиёз ва преференциялар берилган.

Шунингдек, мамлакатда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизими босқичма-босқич ислоҳ қилиниб, фуқароларга пенсияларни тайинлаш, субсилиялар ажратиш юзасидан кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини янада яхшилаш ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2023 йилда 28 та туман (шаҳар)да, эксперимент тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар кўрсатадиган ижтимоий хизматлар ҳамда ёрдамларнинг янги тизими йўлга қўйилди.

Ушбу ҳуқуқий тўпламда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун қонунчиликда мустаҳкамланган ҳуқуқлар ва уларни амалга ошириш кафолатлари, имтиёз ва преференциялар келтирилган.

Ҳуқуқий тўплам аҳоли ва маҳалладаги масъул ходимлар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари — ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва иш топишда қийналаётган ҳамда меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахслар;

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига қуйидагилар киради:

✔ ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота ёки она, шунингдек кўп болали оилаларнинг ота-оналари;

✔ умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактабларини, касб-ҳунар коллежларини ҳамда техникумларни тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;

✔ “Меҳрибонлик” уйларининг битирувчилари, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;

✔ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар;

✔ ногиронлиги бўлган шахслар;

✔ пенсияолди ёшидаги шахслар;

✔ жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар;

✔ одам савдосидан жабрланганлар;

✔ қонунчиликка мувофиқ бошқа шахслар.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида” қонуни

Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахслар:

- ✚ ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар;
- ✚ ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакил;
- ✚ Қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;
- ✚ Қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган вафот этган шахснинг қарамоғидаги оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари;
- ✚ Қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахслар ҳамда болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналар.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинингнинг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва моддий ёрдамларни тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида” 2023 йил 23 мартдаги қарори

кам таъминланган оила — оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаган оила.

ИЖТИМОЙ ҶИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҲУҚУҚЛАРИ КОНСТИТУТЦИЯДА



46-модда.

Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга.

Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас.

47-модда.

Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.

Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади.

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади.

50-модда.

Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди.

Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади.

Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир.

Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир.

Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.

57-модда.

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОДЕКСЛАРИДА

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

96-модда. Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш соҳасидаги қўшимча кафолатлар

Давлат **аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича** қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига қуйидагилар киради:

✚ ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахс), шунингдек кўп болали оилалардаги ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар);

✚ умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактабларини, касб-ҳунар коллежларини ҳамда техникумларини тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;

✚ “Меҳрибонлик” уйларининг битирувчилари, шунингдек олий таълим ташкилотларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;

✚ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик

хизматининг қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатирилган шахслар;

✚ ногиронлиги бўлган шахслар;

✚ пенсияолди ёшидаги шахслар (қонунда белгиланган пенсия ёшига қадар икки йил олдин);

✚ жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар ёки суднинг қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўлланилган шахслар;

✚ одам савдосидан жабрланганлар.

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига қонунчиликка мувофиқ бошқа шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Ишга жойлаштириш соҳасидаги қўшимча кафолатлар қўшимча иш ўринларини, ихтисослаштирилган ташкилотларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат қилиши учун ташкилотларни ташкил этиш, махсус қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини ташкил этиш, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш йўли билан, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа чоралар орқали таъминланади.

Иш берувчи ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган, меҳнат органлари ва бошқа органлар томонидан юборилган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ишга қабул қилади.

Қонунчиликда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш соҳасидаги бошқа қўшимча кафолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

99-модда. Иш ўринларининг белгиланган энг кам сони ҳисобига ишга жойлаштириш

Иш берувчи малака талаблари ҳисобга олинган ҳолда захирага қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун

қонунчиликда белгиланган тартибда маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа ваколатли органлар томонидан юбориладиган **аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахсларни ишга қабул қилиши шарт.**

Иш ўринларининг белгиланган энг кам сони ҳисобига ишга юбориш тартиби қонунчиликда белгиланади.

129-модда. Ишга қабул қилиш чоғидаги дастлабки синов

...

Захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун юборилган аҳолининг **ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахсларга** ишга қабул қилинганда **дастлабки синов белгиланмайди.**

....

ЎН САККИЗ ЁШГАЧА БЎЛГАН ХОДИМЛАР УЧУН:

411-модда. Ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар

Ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланадиган энг кам иш ўринлари ҳисобидан захирадаги иш ўринларига маҳаллий меҳнат органларининг йўлланмаси билан ишга жойлашиш кафолатланади.

412-модда. Ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг меҳнатини қўллаш тақиқланадиган ишлар

Ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг меҳнатини меҳнат шароити зарарли ва (ёки) хавfli бўлган ишларда, ер ости ишларида, шунингдек бажарилиши уларнинг ҳаётига ва соғлиғига, хавфсизлигига ва маънавий жиҳатдан камол топишига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда (тунги кафе ва клубларда, спиртли ичимликларни, тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни, токсик препаратларни

ишлаб чиқариш, ташиш ҳамда сотиш ва бошқалар) қўллаш тақиқланади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг улар учун белгиланган йўл қўйиладиган энг кўп нормалардан ортиқ бўлган оғирликдаги юкларни кўтариши ва ташиши тақиқланади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар меҳнатининг қўлланилиши тақиқладиган ва бажарилиши вояга етмаганларнинг соғлиғига ва маънавий жиҳатдан камол топишига зиён етказиши мумкин бўлган ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг оғир юкларни кўтариши ва ташиши чоғида йўл қўйиладиган энг кўп нормалар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама республика комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

413-модда. Ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари

Ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар меҳнатга оид яқка тартибдаги ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлади, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шарт-шароитлари соҳасида эса улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ҳамда меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёزلардан фойдаланади.

414-модда. Ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мажбурий тиббий кўриклари

Ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар фақат дастлабки мажбурий тиббий кўриқдан ўтганидан кейин ишга қабул қилинади ва кейинчалик улар ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар ҳар йили мажбурий тиббий кўриқдан ўтиши лозим.

Ушбу Кодекснинг 360-моддасида назарда тутилган мажбурий тиббий кўриклар иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

415-модда. Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун қисқартирилган иш вақти давомийлиги

Иш вақтининг давомийлиги ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Ўқув йили давомида ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг иш вақти давомийлиги ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп давомийлигининг ярмидан ошиши мумкин эмас.

416-модда. Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун ҳар кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги

Ҳар кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги қуйидагилардан ошиши мумкин эмас:

ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган ходимлар учун — олти кунлик иш ҳафтасида — тўрт соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида — беш соатдан, ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун эса олти кунлик иш ҳафтасида — олти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида — етти соату ўттиз дақиқадан;

ўқув йили давомида ишни ўқиш билан бирга олиб борувчи умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ташкилотларининг ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилари учун — олти кунлик иш ҳафтасида — икки соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида — икки соату ўттиз дақиқадан, ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилари учун эса олти кунлик иш ҳафтасида — уч соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида — тўрт соатдан.

417-модда. Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларни хизмат сафарига юборишни, иш вақтидан ташқари ишларга, тунги ишларга, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилишни тақиқлаш

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларни хизмат сафарига юбориш, тунги ишларга, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилиш тақиқланади.

Маданий-томоша ташкилотларининг, телевидение, радиоэшиттириш ташкилотларининг ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг ижодий ходимлари, профессионал спортчилар, шунингдек асарлар яратишда ва (ёки) ижро этишда (намойиш этишда) иштирок этувчи бошқа шахслар Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ишлар, касблар, лавозимлар рўйхатларига мувофиқ ушбу модданинг назарда тутилган қоидадан мустаснодир.

418-модда. Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга йиллик узайтирилган меҳнат таътили бериш

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга давомийлиги камида ўттиз календарь кун бўлган йиллик меҳнат таътили берилади ва улар бу таътилдан йилнинг ўзлари учун қулай бўлган исталган вақтида фойдаланиши мумкин.

Агар йиллик меҳнат таътили берилаётган иш йили ходим ўн саккиз ёшга тўладиган ва тўлиб бўлганидан кейинги даврларни қамраб олса, таътилнинг давомийлиги ходим ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар ва ўн саккиз ёшга тўлганидан кейинги ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларни йиллик меҳнат таътилидан чақириб олишга йўл қўйилмайди.

419-модда. Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун ишлаб чиқариш нормалари

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун ишлаб чиқариш нормалари умумий ишлаб чиқариш нормаларидан келиб чиққан ҳолда ушбу ходимлар учун белгиланган қисқартирилган иш вақтига мутаносиб равишда белгиланади.

Умумий ўрта таълим ёки ўрта махсус, профессионал таълим олганидан кейин ишга кираётган ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун, шунингдек ишлаб чиқариш таълими шартномаси бўйича таълим олган ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномасига мувофиқ пасайтирилган ишлаб чиқариш нормалари белгиланиши мумкин.

420-модда. Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг иш вақтининг қисқартирилган давомийлигида меҳнатига ҳақ тўлаш

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг меҳнатига иш вақтининг қисқартирилган давомийлигида ҳақ тўлаш, худди иш вақти давомийлиги тўлиқ бўлганда ходимларнинг тегишли тоифалари учун тўланадиган миқдорда амалга оширилади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар меҳнатига вақтбай ҳақ тўлашда ҳар кунги ишнинг тўлиқ давомийлигида тегишли тоифадаги ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш даражасига қадар қўшимча ҳақ тўланади.

Ишбай ишларга қўйилган ўн саккиз ёшга тўлган ходимлар меҳнатига катта ёшдаги ходимлар учун белгиланган ишбай нархлар бўйича ҳақ тўланиб, бунда ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг ҳар кунги иш вақти давомийлиги ўн саккиз ёшга тўлган ходимларнинг ҳар кунги иш вақти давомийлигига

нисбатан қисқартирилган вақт учун тариф ставкаси бўйича қўшимча ҳақ тўланади.

Ўқув йили давомида ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар меҳнатига ишлаган вақтидан келиб чиқиб ёки ишлаб чиқариш натижасига қараб ҳақ тўланади.

421-модда. Меҳнат шартномасини бекор қилишда ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун қўшимча кафолатлар

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя этишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади.

422-модда. Меҳнат шартномасини ота-онадан бирининг (ота-она ўрнини босувчи шахсинг) ва ваколатли органларнинг талабига кўра бекор қилиш

Ота-онадан бири (ота-она ўрнини босувчи шахс), шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органлар ҳамда болалар масалалари бўйича комиссиялар, агар ишни давом эттириш ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳаётига ва соғлиғига, хавфсизлигига ҳамда маънавий жиҳатдан камол топишига таҳдид солаётган бўлса ёки уларга бошқача тарзда зиён етказиши мумкин бўлса, бундай шахслар билан меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН:

423-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар

Ногиронлиги бўлган шахсларга «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланган иш ўринларининг энг кам сони ҳисобидан захирадаги иш ўринларига маҳаллий меҳнат органлари йўлланмасига кўра ишга жойлашиш кафолатланади.

424-модда. Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан уларга соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма бўлган ишларда фойдаланишни тақиқлаш

Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан уларга соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма бўлган ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлиқсиз иш вақти режими тўғрисидаги, юкломани камайтириш ҳақидаги ва меҳнатнинг бошқа шарт-шароитлари тўғрисидаги тавсиялари иш берувчи томонидан бажарилиши мажбурийдир.

425-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари

Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатга оид яқка тартибдаги ҳуқуқий муносабатларда бошқа ходимлар каби ҳуқуқларга эга, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида, иш вақти, таътиллари ва бошқа меҳнат шарт-шароитлари борасида эса улар ўзи учун қонунчиликда, шунингдек меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёزلардан фойдаланади.

Жамоа шартномасида ёки меҳнат шартномасида белгиланганидан меҳнат шарт-шароитлари, шу жумладан иш ҳақи, иш вақти ва дам олиш вақти режими, йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қонунчиликда белгиланганидан кам бўлиши ҳамда бошқа ходимларга нисбатан ногиронлиги

бўлган шахсларнинг ҳолатини ёмонлаштириши ёки уларнинг ҳуқуқларини чеклаши мумкин эмас.

Ногиронлиги сабабли ногиронлиги бўлган шахс билан меҳнат шартномаси тузишни ёки ишда унинг юқори лавозимга кўтарилишини рад этишга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди, бундан тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг хулосасига кўра ногиронлиги бўлган шахснинг соғлиғи ҳолати касбий вазифаларини бажаришга монелик қиладиган ёхуд унинг ёки бошқа шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига, меҳнат хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳоллар мустасно.

426-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мажбурий тиббий кўриклари

Ногиронлиги бўлган шахслар фақат дастлабки мажбурий тиббий кўриқдан ўтганидан кейин ишга қабул қилинади ва кейинчалик ҳар йили мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиб турилиши лозим.

Ушбу Кодекснинг 360-моддасида назарда тутилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг мажбурий тиббий кўриклари иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

427-модда. I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимлар учун кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги тиббий-ижтимоий эксперт

комиссиясининг тавсияларига мувофиқ белгиланади, лекин олти кунлик иш ҳафтасида — олти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида — етти соату ўттиз дақиқадан ортиб кетмаслиги керак.

428-модда. Ногиронлиги бўлган ходимларни хизмат сафарига юборишнинг, иш вақтидан ташқари ишларга, тунги ишларга, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ногиронлиги бўлган ходимларни хизмат сафарига юборишга, тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ҳамда дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилишга фақат уларнинг розилиги билан, агар ушбу ходимлар учун бундай ишлар тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси тавсияларида тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

429-модда. I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимлар учун йиллик меҳнат таътили

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга давомийлиги камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик меҳнат таътили берилади ва улар бу таътилдан йилнинг ўзлари учун қулай бўлган вақтида фойдаланиши мумкин.

Агар йиллик меҳнат таътили берилётган иш йили ходимга ногиронлик белгилангунига қадар ва белгиланганидан кейинги даврларни ёхуд мазкур ходимнинг ногиронлиги тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан олиб ташлангунига қадар бўлган даврни ва олиб ташланганидан кейинги даврни қамраб олса, йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги ногиронлик белгиланган даврдаги ва ногиронлик юзага келгунига қадар ёки ногиронлик олиб ташланганидан кейинги иш даврига мутаносиб равишда ҳисобланади.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимни йиллик меҳнат таътилидан чақириб олишга йўл қўйилмайди.

430-модда. I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимнинг иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олиш ҳуқуқи

Иш берувчи I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимнинг хоҳишига кўра унинг ёзма аризаси асосида унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда ҳар йили давомийлиги ўн тўрт календарь кунгача бўлган таътил бериши шарт.

431-модда. Иш вақтининг қисқартирилган давомийлигида I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларнинг меҳнатига иш вақтининг қисқартирилган давомийлигида ҳақ тўлаш тегишли касб ва лавозимлардаги ходимларга тўлиқ иш вақти давомийлигидаги миқдорда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси

380-модда. Айрим тоифадаги солиқ тўловчиларнинг жами даромадини камайтириш

Қуйидаги солиқ тўловчилар **даромад солиғи** солишдан қисман (*даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридagi даромадлар, ушбу қисмнинг 3-бандида кўрсатилган шахслар учун эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баравари миқдоридagi даромадлар бўйича*) озод этилади:

1) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахслар. Бу имтиёз тегишинча "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудоффа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонунчилик билан белгиланадиган, уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудоффа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, ногиронлиги бўлган бошқа шахсларга (қатнашчиларга) ногиронлиги бўлган шахснинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси асосида берилади;

3) болалиқдан ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар. Бу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

4) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг ёки ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий

хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари).

5) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Бу имтиёз ҳар бир бола учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади;

6) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ҳамда боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар. Бу имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, янги никоҳдан ўтмаганлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади;

7) болалигидан ногиронлиги бўлган шахс, доимий парваришни талаб этадиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота ёки она. Бу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси асосида берилади.

421-модда. Солиқ имтиёзлари

Қуйидагиларнинг мулкида бўлган **мол-мулк солиқ** солишдан озод этилади:

1) “Ўзбекистон Қаҳрамони”, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг.

Мазкур имтиёз тегишинча “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудоффа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонунчилик билан белгиланадиган, уларга тенглаштирилган шахслар.

Ушбу имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, ногиронлиги бўлган бошқа шахсларга (қатнашчиларга) ногиронлиги бўлган шахснинг (қатнашчисининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси асосида берилади.

3) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг ёки ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг ота-оналари ҳамда бева хотинлари (бева эрлари).

4) энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланадиган энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддатга.

5) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар. *Мазкур имтиёз етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга давлат томонидан ажратиладиган уй-жой учун улар йигирма уч ёшга тўлгунига қадар амал қилади.*

Қуйидаги жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган мол-мулк олтмиш квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади:

1) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор ота-оналаридан бирининг. *Мазкур имтиёз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асосида берилади;*

2) пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

3) I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

436-модда. Солиқ имтиёзлари

Жисмоний шахслардан олинадиган **ер солиғидан** қуйидагилар озод қилинади:

1) “Ўзбекистон Қаҳрамони” Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонунчилик билан белгиланадиган, уларга тенглаштирилган шахслар. Ушбу имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, ногиронлиги бўлган бошқа шахсларга (қатнашчиларга) ногиронлиги бўлган шахснинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси асосида берилади;

3) I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

4) ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногиронлиги бўлган боласи билан бирга алоҳида уйда яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимнинг маълумотномаси, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади;

5) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Ота ва онадан бири ёхуд ота-она вафот этган кўп болали оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. *Ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;*

6) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган) фуқаролар. *Мазкур имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногиронлиги бўлган шахснинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;*

7) энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар — қайта тикланадиган энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддатга. *Мазкур имтиёз энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган ҳолда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида энергия таъминоти ташкилотлари томонидан берилган маълумотнома асосида берилади.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНУНЛАРИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QONUNCHILIK BAZASI

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни

38-модда. Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатлар

Давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини
ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни
таъминлайди.

Аҳолининг **ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари**
жумласига қуйидагилар киради:

✓ ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган
болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек кўп болали
оилаларнинг ота-оналарига;

✓ умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини,
касб-ҳунар мактабларини, касб-ҳунар коллежларини ҳамда
техникумларни тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;

✓ “Меҳрибонлик” уйларининг битирувчилари, шунингдек
олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича
таълим олган битирувчилари;

✓ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички
ишлар вазирлигининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг,
Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг

қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатирилган шахслар;

✓ ногиронлиги бўлган шахслар;

✓ пенсияолди ёшидаги шахслар;

✓ жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар;

✓ одам савдосидан жабрланганлар;

✓ қонунчиликка мувофиқ бошқа шахслар.

Иш берувчи ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган, захирага қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун қонунчиликда белгиланган тартибда маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа органлар томонидан юбориладиган шахсларни ишга қабул қилиши шарт.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларни ишга қабул қилишни **асоссиз равишда рад этган** иш берувчи ва у ваколат берган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда **жавобгар** бўлади.

Қўшимча кафолатлар қўшимча иш ўринларини, ихтисослаштирилган ташкилотларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланиш асосидаги ташкилотларни ташкил этиш, ўқитишнинг махсус дастурларини ишлаб чиқиш, ташкилотларга иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш йўли билан, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа чоралар орқали таъминланади.

39-модда. Иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва иш ўринларини захирага қўйиш

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан иш ўринларининг **энг кам сони** белгиланади, ташкилотлар томонидан эса иш ўринлари захирага қўйилади.

Иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ходимларининг рўйхатдаги ўртача сони йигирма нафар кишидан ортиқни ташкил этадиган ташкилотлар учун назарда тутилади.

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорларига мувофиқ белгиланадиган иш ўринлари энг кам сонининг жами сони ташкилотнинг рўйхатдаги ходимлари ўртача сонининг етти фоизидан ортиқни (шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар учун уч фоизидан камини) ташкил этиши мумкин эмас.

Ходимларининг рўйхатдаги ўртача сони йигирма нафар кишидан ортиқни ташкил этадиган ташкилотлар **ҳар йили**:

✚ лавозимларни ҳисобга олган ҳолда, келгуси йил учун захирага қўйиладиган иш ўринларининг умумий сонини 1 сентябрдан кеч бўлмаган муддатда белгилайди;

✚ келгуси йил учун захирага қўйиладиган иш ўринларининг умумий сони тўғрисидаги маълумотларни 15 сентябрдан кеч бўлмаган муддатда маҳаллий меҳнат органига тақдим этади.

Маҳаллий меҳнат органи томонидан олинган маълумотлар асосида иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисидаги таклифлар шакллантирилади ва туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган ташкилотлар кесимида тегишли қарор қабул қилиниши учун туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига **ҳар йили 1 октябрдан кечиктирмай** киритилади.

Маҳаллий меҳнат органи томонидан тақдим этилган умумлаштирилган таклифлар асосида туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида **ҳар йили 1 ноябрдан кечиктирмай** қарор қабул қилади.

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорлари асосида маҳаллий меҳнат органлари захирага қўйиладиган иш

ўринлари сони, захирага қўйиладиган иш ўринларига қўйиладиган талаблар, рағбатлантириш чоралари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг энг кам миқдорда иш ўринларини ташкил этиш ҳақидаги қарорлари бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш жорий йилнинг 15 ноябридан кеч бўлмаган муддатда ташкилотларнинг эътиборига етказди.

Ушбу Қонун **38-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган тоифадаги шахслар** томонидан қўйиладиган ўзига хос талабларга мувофиқ бўлган меҳнат шароитларини таъминлайдиган иш ўрни мазкур тоифадаги шахслар учун, шу жумладан қуйидагилар учун ташкил этилган иш ўрни деб ҳисобланади:

✓ ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек кўп болали оилаларнинг ота-оналари учун — болаларни тарбиялаш мажбуриятлари ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

✓ ногиронлиги бўлган шахслар учун — меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга соғлиғининг ҳолатини ҳамда меҳнат фаолиятига доир белгиланган қарши кўрсатмалар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат мажбуриятларини монеликсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари.

Ушбу Қонун **38-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар** жойлаштириб бўлинган иш ўринлари келгуси даврга захирага қўйиладиган иш ўринлари сонини аниқлашда ҳисобга олинади.

Захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштириш ташкилот томонидан маҳаллий меҳнат органининг йўлланмаси бўйича ёки мустақил равишда амалга оширилади.

Захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштиришга ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, жазони ижро этиш жойларидан озод этилган шахсларнинг ижтимоий мослашув марказлари, кўрсатиб ўтилган тоифадаги шахсларнинг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотлар ҳам уларни маҳаллий меҳнат органларига юбориш йўли билан кўмаклашиши мумкин бўлиб, маҳаллий меҳнат органлари бундай шахсларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлайди. Бунда мазкур ташкилотлар календарь йил бошланишидан камида беш ой олдин маҳаллий меҳнат органига аниқ ташкилотлар бўйича иш ўринларини захирага қўйиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқига, зарур ҳолларда, маҳаллий меҳнат органларидан ҳар бир ташкилот бўйича ташкил этилган иш ўринларининг сони ва хусусияти, шунингдек захирага қўйиладиган бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олиш ҳуқуқига эга.

40-модда. Захирага қўйиладиган иш ўринларини сақлаш шартлари

Захирага қўйиладиган иш ўринлари қисқартирилган ёки тугатилган ҳолларда ташкилот маҳаллий меҳнат органига ахборот тақдим этади.

Технологиядаги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнат шарт-шароитларидаги ўзгаришлар, ходимлар сонининг ўзгаришига олиб келган иш ҳажмларининг қисқариши билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш чоғида, захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштирилган шахслар учун иш ўринлари, агар ушбу шахсларнинг сони ходимлар сони ўзгарган календарь йил учун туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари билан белгиланган захирага қўйиладиган иш ўринлари сонидан ортиқ бўлмаса, **устувор тартибда сақланади.**

Захирага қўйиладиган иш ўрни илгари ушбу иш ўрнини эгаллаган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси бекор

қилиниши муносабати билан бўшаганда, ташкилот янгидан очилган бўш (вакант) иш ўрни тўғрисида маҳаллий меҳнат органини **ўн кунлик муддатда** хабардор қилиши шарт.

Ташкилот туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорларига мувофиқ ўзи учун иш ўринлари захирага қўйиладиган тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириши шарт.

Ташкилот захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг **камида йигирма беш фоизи миқдорида** захирага қўйиладиган иш ўринларининг тайёрлигини йил бошланишидан олдин ўн кундан кечиктирмай таъминлаши, шунингдек бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши шарт.

Иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминланади, бу ҳақда маҳаллий меҳнат органи биринчи чорак тамом бўлганидан кейин **ўн кундан кечиктирмай** хабардор қилинади.

Ташкилотлар маҳаллий меҳнат органига ишга жойлаштириш тўғрисида ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар ахборот тақдим этади.

Мавсумий ва вақтинчалик иш ўринларини захирага қўйишга йўл қўйилмайди.

41-модда. Туман (шаҳар) ҳокимининг иш ўринларининг энг кам сонини ташкил этишга доир қарорини бажармаганлик, шунингдек захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштиришни асоссиз равишда рад этганлик учун жавобгарлик

Туман (шаҳар) ҳокимининг давлат қўшимча кафолатларни таъминлайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун **иш ўринларининг энг кам сонини ташкил этишга доир**

қарорини бажармаганлик, шунингдек захирага қўйиладиган иш ўринларига маҳаллий меҳнат органлари томонидан юборилган шахсларни **ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этганлик** Қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Жавобгарликка тортиш захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этиш мажбуриятдан озод қилмайди.

42-модда. Иш ўринларини захирага қўйишда иштирок этадиган ташкилотлар учун имтиёзлар

Захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган энг кам сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этган ташкилотлар қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан **субсидиялар** олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари белгиланган сондан ортиқча захирага қўйиладиган иш ўринлари ташкил этган ташкилотларга ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа чора-тадбирлар учун яшаш учун мўлжалланмаган жойларни биринчи навбатда ажратиш орқали ўз ваколатлари доирасида имтиёзлар белгилаши мумкин.

43-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат хавфсизлик хизмати тизимидан ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идоралардан бўшатишган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатлар

Ҳарбий хизматга чақирилган (кирган) ходим резервга бўшатишганидан ёки истеъфога чиқарилганидан кейин, агар у иш берувчига ишга жойлашиш масаласи бўйича Ўзбекистон

Республикаси Мудофаа вазирлиги, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси сафларидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати қўшинларидан ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идоралардан бўшатиш кундан эътиборан кўпи билан **уч ой ичида** мурожаат қилган бўлса, аввалги иш жойида ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

Ҳарбий хизматга чақирилган (кирган), лекин кейинчалик резервга бўшатиш ёки истеъфого чиқарилган ходим, агар у ҳарбий хизматга чақирилган (кирган) кундан эътиборан кўпи билан **уч ой ўтган бўлса**, аввалги иш жойига (лавозимига) қайтиш ҳуқуқига эга.

Ташкилот қайта ташкил этилганда ҳарбий хизматдан бўшатиш шахсларни ишга жойлаштиришни унинг ҳуқуқий вориси, ташкилот тугатилганда эса маҳаллий меҳнат органи амалга оширади.

Шахсларга ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган тартибда иш бериш имкони бўлмаган ҳолларда, маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштиришни, зарур ҳолларда эса уларнинг **бепул касбга тайёрланишини, қайта тайёрланишини ёки малакаси оширилишини** таъминлайди.

Ушбу моддада назарда тутилган кафолатлар муқобил хизматга чақирилган ходимларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

62-модда. Иш қидираётган шахсларни ҳамда ишсиз шахсларни касбга тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш

Иш қидираётган шахсларни ҳамда ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш қуйидаги ҳолларда маҳаллий меҳнат органининг йўлланмасига кўра амалга оширилиши мумкин:

 касби (мутахассислиги) мавжуд бўлмаганда;

- мавжуд касбий кўникмаларига мос мақбул иш йўқлиги сабабли касбни (мутахассисликни) ўзгартириш зарур бўлганда;
- касбий кўникмалари мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги сабабли, касбига (мутахассислигига) доир талаблар ўзгартирилганлиги боис малака ошириши зарур бўлганда;
- аввалги касби (мутахассислиги) бўйича иш бажариш қобилияти йўқотилганда.

Иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш касбга ўқитиш марказларида (касб-ҳунар таълими муассасаларида) амалга оширилади.

Иш қидираётган шахслар, ишсиз шахслар, шунингдек **аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига мансуб шахслар** устувор тартибда касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ногиронлик белгисига кўра камситиш — мақсади ёки натижаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий соҳада ёки бошқа соҳада ўзгалар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этишни ёки рўёбга чиқаришни инкор қилишдан иборат бўлган, ногиронлик сабабли ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш;

ногиронлиги бўлган болалар (бола) — барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари туфайли ҳаётининг фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар;

ногиронлиги бўлган шахс — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс;

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш — ҳаёт фаолиятига доир чекловларни енгиб ўтиш, уларнинг ўрнини қоплаш (компенсация қилиш) учун ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитларни таъминлайдиган ҳамда уларга жамият ва давлат ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;.....

3-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш

18-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглигини таъминлаш ва камситилишига йўл қўймаслик

Ногиронлик белгиси бўйича ҳар қандай камситиш тақиқланади.

Тенг имкониятларни таъминлаш ва ногиронлик белгисига кўра камситилишига йўл қўймаслик учун давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ҳамда хизматлардан, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардан, соғлиқни сақлашдан, таълимдан, ишга жойлашишдан, шунингдек ахборотдан ва алоқа воситаларидан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини таъминлашга доир чоратadbирларни амалга оширади.

Давлат камситилишнинг барча шаклларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенг равишда ва самарали ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Давлат инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланиш имкониятини беришда ногиронлиги бўлган шахсларнинг камситилишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

19-модда. Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи

Ногиронлиги бўлган шахслар қонунчиликда назарда тутилган тартибда тажовузлардан ҳимоя қилиниш, ўз шахсий ҳаёти, оиласи, уй-жойи ёки хат-хабарлари дахлсизлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга.

Давлат ногиронлиги бўлган шахснинг шахси, соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш чораларини кўради.

20-модда. Оилага ва оила муҳитига бўлган ҳуқуқ

Давлат ногиронлиги бўлган болаларнинг оилага ва оила муҳитига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириладиган ногиронлиги бўлган болалар сонини қисқартириш, уларнинг оилавий шароитларда ва ногиронлиги бўлган болаларни жойлаштиришнинг бошқа шакллари доирасида қариндошларини жалб этиш ҳисобидан муқобил парвариш қилинишини таъминлаш чораларини кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларга моддий, маслаҳатга оид ва бошқача тарзда ёрдам беради ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

21-модда. Фуқаролик ва эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи

Ногиронлиги бўлган шахслар бошқа фуқаролар билан тенг равишда фуқароликни олиш ва ўзгартириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга, бундан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қонунчиликда белгиланган чекловлар мустасно.

Давлат ва нодавлат нотажорат ташкилотлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ногиронлиги бўлган шахсларни уларнинг ёши, жинси ва ногиронлик шаклини, шунингдек шахсий эҳтиёжларини инобатга олувчи қўллаб-қувватлаш ҳамда хизматлар кўрсатиш дастурларининг мавжудлиги ва қулайлиги тўғрисида хабардор қилади.

22-модда. Уй-жойга бўлган ҳуқуқ

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурларидан ва махсус дастурлардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларга ва ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилаларга уй-жойни қулай нархлар бўйича олиш учун зарур шарт-шароитлар ҳамда имкониятларни таъминлайди.

Уй-жойга ёки уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларни ҳисобга олиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан уй-жой олишга ёки уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш рўйхатларини шакллантириш чоғида ногиронлиги бўлган шахслар ва ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилалар алоҳида рўйхатга киритилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурлари ва махсус дастурлар доирасида **имтиёзли шартлар асосида уй-жой ва имтиёзли ипотека кредити олиш ҳуқуқига эга.**

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилаларнинг электрон онлайн-аукционлар воситасида ер участкаларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларининг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қопланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жойни тақсимлашда имкониятга қараб, объектлар ва хизматларнинг қулайлиги принципига риоя этилган ҳолда, иш жойига, тиббиёт ва реабилитация муассасаларига яқин бўлган уй-жой берилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларга давлат уй-жой фондининг кўп квартирали уйларидаги турар жойлар уларнинг хоҳишига кўра пастки қаватлардан берилиши мумкин. Юқори қаватлардаги квартираларга эга бўлган ногиронлиги бўлган шахслар бўш турар жойлар мавжуд бўлган тақдирда уларни

пастки қаватларда жойлашган турар жойларга алмаштиришга ҳақли.

Ногиронлиги бўлган шахсларга ёки ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилаларга бериладиган турар жойлар объектлар ва хизматларнинг қулайлиги принципига мувофиқ бўлиши керак.

Ногиронлиги бўлган шахслар эгаллаб турган турар жойлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши ва фойдаланиши учун махсус воситалар ҳамда мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Мазкур турар жойларни жиҳозлаш маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар имтиёзли шартлар асосида ижтимоий уй-жой олиш ҳуқуқига эга.

23-модда. Ижтимоий инфратузилма объектларини ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига риоя этган ҳолда лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг, шу жумладан ўриндиқли аравачалардан ҳамда етакловчи итлардан фойдаланувчи шахсларнинг барча ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томоша муассасаларига ҳамда бошқа муассасаларга) монеликсиз кириши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, жамоат бинолари ҳамда иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Жамоат бинолари ҳамда иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш чоғида

ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун автотранспорт сақлаш жойларини мақбул миқдорда ҳамда ўлчамда барпо этиш бўйича чоралар назарда тутилиши керак.

Уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектларида лифтларни сотиб олиш ҳамда ўрнатиш чоғида, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тегишли ташкилотлар лифтларнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча тоифалари учун қулай бўлишини ва улардан фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт.

Ижтимоий-маиший ва маданий мақсадларга мўлжалланган қурилиш объектларини ҳамда реконструкция қилинаётган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари вакиллари давлат қабул комиссияси таркибига киритилган ҳолда амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш қурилиш лойиҳаларининг мажбурий қисмидир. Биноларни, иншоотларни ва уларнинг мажмуаларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга доир нормалар ва қоидалар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқирилиши керак.

24-модда. Транспорт воситаларининг ва йўл инфратузилмасининг қулайлиги

Транспорт воситаларининг ва йўл инфратузилмасининг қулайлиги аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи ташкилотлар (ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар) томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари иштирокида:

➤ ногиронлиги бўлган шахсларга қулайлик яратиш учун жамоат транспортининг махсус воситалар билан жиҳозланишини, шу жумладан алоҳида жойлар

жиҳозланишини, эшитиш қобилияти заиф бўлганлар учун ахборот таблолари ўрнатилишини ҳамда бекатларнинг овозли тарзда эълон қилинишини;

➤ шаҳар ва қишлоқ жамоат транспорти воситаларининг йўналишлари ҳамда кўрсаткичлари кескин фарқланувчи рангдаги йирик ҳарфлар билан тасвирланишини;

➤ йўловчи поездларининг вагонлари махсус ўринлар билан ва перронлар, шунингдек темир йўл вокзаллари махсус механик пандуслар билан жиҳозланишини;

➤ тўхташ майдончаларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда жиҳозлаш, шу жумладан уларга пандуслар ва тутқичлар ўрнатиш, транспорт воситасининг кириш эшиклари олдидаги майдончаларда тактил қопламаларини қўллаш, шунингдек электрон ахборот таблоларини ўрнатиш;

➤ пиёдалар ўтиш жойлари ва чорраҳаларини, кўчалар ҳамда умумий фойдаланишдаги йўлларни ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига мувофиқ мослаштириш;

➤ чорраҳаларда товушли ва визуал сигнализация тизимларини ўрнатиш;

➤ аэропортларда ва аэровокзалларда, йирик темир йўл станцияларида, шунингдек метрода ногиронлиги бўлган шахсларни транспорт воситаларигача кузатиб бориш;

➤ ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус кутиш жойларини жиҳозлаш йўли билан таъминланади.

Маҳаллий транспорт воситаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

25-модда. Меҳмонхона хоналарининг қулайлиги

Меҳмонхоналарнинг мулкдорлари умумий хоналар фондининг камида битта хонасини ўриндиқли аравачадан фойдаланадиган ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай тарзда жиҳозлаши, шунингдек эшитиш ва кўриш бўйича

ногиронлиги бўлган шахсларнинг тегишли эҳтиёжларига мувофиқ эълонлар учун дисплейлар ҳамда овозли қурилмалар ўрнатилишини таъминлаши шарт.

26-модда. Ахборотдан фойдаланиш

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот олиш ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни кенг омма учун мўлжалланган, қулай форматлардаги ва ногиронликнинг турли шакллари ҳисобга олинган технологиялардан фойдаланган ҳолда ахборот билан таъминлайди.

Давлат одамлар ўртасидаги мулоқот воситалари сифатида **имо-ишора тилидан, мулоқотнинг бошқа муқобил шаклларидан** фойдаланилишига кўмаклашади.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларга телевизион дастурлар, фильмлар, театр тадбирлари ва бошқа маданий тадбирларнинг улар учун қулай форматларда бўлишини таъминлайди. Давлат телеканалларида янгиликлар кўрсатувларининг **сурдотаржима** ёки **субтитрлар** билан намоёиш этилиши таъминланади.

Давлат коммуникациянинг муқобил шаклларидан (Брайль ҳарфларидан ва овозли шакллардан) фойдаланган ҳолда бадиий адабиётлар, мактаб дарсликлари, бошқа дидактик материаллар ва ўқитиш воситалари нашр этилишини таъминлайди.

Давлат органлари ва ташкилотлар ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ахборот билан қулай тарзда танишиш ҳамда хизматлардан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган шахсларга қўшимча имкониятларни яратиши шарт.

Давлат органлари ва ташкилотлар ахборот-коммуникация ускуналарининг ҳамда ахборот таъминотининг давлат харидларига давлат буюртмасини амалга оширишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча тоифалари учун қулайлик мезонларига риоя этилишини ҳисобга олиши керак.

Давлат органлари ва ташкилотлар, зарур бўлган тақдирда, мазкур давлат органининг ёки ташкилотнинг вакили ва эшитишида нуқсонлари мавжуд ногиронлиги бўлган шахс ўртасидаги мулоқотни таъминлаш учун имо-ишора тили таржимонини шартнома бўйича ёллайди.

27-модда. Маданий ҳаётда иштирок этишга, дам олишга ва спорт билан шуғулланишга бўлган ҳуқуқ

Давлат органлари ва ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг моддий маданий мерос объектларидан, туристик ҳамда спорт объектларидан ва иншоотларидан, шунингдек дам олиш объектларидан фойдаланишини таъминлайди.

Театрлар, музейлар, кинотеатрлар, ахборот-кутубхона муассасалари ва ахборот-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун қулай бўлиши керак.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг моддий маданий мерос объектларидан, туристик ва спорт объектлари ҳамда иншоотларидан, шунингдек ташкилотнинг дам олиш объектларидан фойдаланишини таъминлаш мақсадида, ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари иштирокида:

➤ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва улар оилаларининг маданий, спорт ҳамда туристик тадбирларда иштирок этишига кўмаклашади;

➤ нодавлат нотижорат ташкилотлари билан шерикликда маданий, спорт ва кўнгилочар тадбирлар ўтказилишини ташкил этади;

➤ ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш, спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларда иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар яратади;

➤ фаолияти ногиронлиги бўлган шахсларни спорт билан шуғулланишга ва жамиятнинг маданий ҳаётига жалб этишга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотларига кўмаклашади;

➤ ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча даражалардаги спорт тадбирларида иштирок этишини тарғиб қилиш ва рағбатлантиришда иштирок этади.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт иншоотлари объектларидан, дам олиш объектларидан, шунингдек туристик объектлардан фойдаланишини, шу жумладан **бепул** асосда фойдаланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Давлат мулки бўлган спорт объектлари ва иншоотларининг спорт заллари ҳамда хоналарини ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун бепул асосда тақдим этилади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Давлат спортнинг паралимпия турлари бўйича мураббийлар, ҳакамлар ҳамда бошқа мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашни таъминлайди.

Давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш ва уларни спорт билан шуғулланишга жалб этишга доир дастурларни нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳар йили ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини яратади.

28-модда. Мурожаат қилиш ҳуқуқи

Ногиронлиги бўлган шахслар давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқаётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, ушбу мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатлар (аризалар, шикоятлар, таклифлар) билан кириши учун қуйидагилар воситасида зарур шарт-шароитлар яратиши шарт:

✔ шахслараро мулоқот воситаси сифатида имо-ишора тилини эътироф этиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек уни ривожлантириш ҳамда жамият ва давлат ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида қўллаш чораларини кўриш;

✔ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ҳолларда сурдотаржима хизматларини кўрсатиш;

✔ ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ўз мурожаатини имзолаш учун факсимил имзодан фойдаланиш.

Эшитиши ва нутқи бўйича ногиронлиги бўлган шахсларга:

✔ тергов ҳаракатларини амалга оширишда ёки жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича суд процессларида иштирок этиш чоғида;

✔ ҳужжатларни ёки битимларни нотариал тартибда расмийлаштиришда;

✔ автомобилни бошқариш кўникмаларига ёки компьютер саводхонлигига ўқиш чоғида;

✔ давлат хизматлари кўрсатиш чоғида сурдотаржимон хизматлари кўрсатилади.

Эшитиши ва нутқи бўйича ногиронлиги бўлган шахсларга сурдотаржимон хизматлари қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Давлат ҳар йили сурдотаржимонлар, сурдопедагоглар, дефектологлар ва логопедлар тайёрланишини таъминлайди.

29-модда. Ногиронлиги бўлган шахснинг факсимил имзоси

Ногиронлиги бўлган шахснинг **факсимил имзоси** — соғлиғининг ҳолатига кўра (кўришнинг бузилиши, қўл-оёқлар йўқлиги, ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг бузилиши, фалажлик) ўз қўли билан имзо қўйиш имкониятига эга бўлмаган ногиронлиги бўлган шахснинг ўз қўли билан қўйган имзоси ўрнини босадиган, махсус тайёрланган штамп (клише).

Ногиронлиги бўлган шахснинг факсимил имзоси ногиронлиги бўлган шахс томонидан фақат, агар у ўзининг жисмоний нуқсонлари сабабли зарур ҳужжатларни имзолаш чоғида ўз қўли билан имзо қўйиш имкониятига эга бўлмаса, қўлланилиши мумкин.

Факсимил имзо ногиронлиги бўлган шахс учун тайёрланади ва унинг томонидан бутун ҳаёти давомида фойдаланилади. Факсимил имзо йўқолган тақдирда унинг дубликати тайёрланади.

Ҳеч ким факсимил имзодан фойдаланиши муносабати билан ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда чекланиши мумкин эмас.

30-модда. Жамиятнинг онгида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматига ҳурматни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш

Давлат органлари жамиятнинг онгида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматига ҳурматни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида:

➤ ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаол ижтимоий роли ижобий қабул қилинишига оммавий ахборот воситалари ва матбуот воситасида кўмаклашишни;

➤ ногиронлиги бўлган шахсларнинг салоҳиятини ҳамда жамият ва давлат тараққиётига қўшаётган ҳиссасини тарғиб қилишни;

➤ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий интеграциясига имкон берувчи тимсолини ижобий ва бағрикенглик асосида гавдалантириш йўналишидаги оммавий ахборот воситаларини рағбатлантиришни;

➤ ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан қотиб қолган қарашларни ва хурофотларни йўқ қилиш бўйича чоратадбирлар амалга ошириш;

➤ таълимнинг барча босқичларида, шу жумладан болаларда гўдаклик ёшидан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялашни;

➤ ногиронлиги бўлган шахсларнинг қадр-қиммати ва қобилияти ҳамда уларнинг иш жойидаги ва меҳнат бозоридаги жамоа ютуқларига қўшаётган ҳиссаси эътироф этилишига кўмаклашишни;

➤ ногиронлиги бўлган шахсларга ва уларнинг ҳуқуқларига бағишланган тарбиявий-таништирув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни таъминлайди.

5-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғини сақлаш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш

35-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғини сақлаш

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиқни сақлаш хизматларидан, сифатли ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олувчи тиббий ёрдамдан

бошқа фуқаролар билан тенг равишда фойдаланиш ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларга, фуқароларга бепул тиббий ёрдам кўрсатишнинг давлат кафолатлари дастури доирасида амалга ошириладиган малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши бўйича чоралар кўради. Ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий парвариш қилиш барча даражалардаги мавжуд тиббий хизматлар доирасида, шунингдек ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган хизматлар томонидан амалга оширилади.

Зўрайиб боровчи шаклдаги ёки якуний босқичдаги бедаво касалликларга чалинган шахслар беморларнинг жисмоний, руҳий, ҳиссий ва маънавий эҳтиёжларини қаноатлантиришни назарда тутувчи паллиатив тиббий парваришлаш хизматлари кўрсатилиши ҳуқуқига эга бўлади.

36-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш

Ногиронлиги бўлган шахсларга **ижтимоий ёрдамнинг қуйидаги турлари** кўрсатилади:

- ✔ пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар);
- ✔ реабилитация қилишнинг техник воситалари, сурдотехника, тифлотехника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия мосламалари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтирувчи аппаратлар ва сигнализаторлар, субтитрли ёки сурдотаржимали видеоматериаллар, шунингдек автомобиллар билан таъминлаш;
- ✔ тиббий, ижтимоий, касбий, жисмоний реабилитация қилиш бўйича хизматлар ва маиший хизматлар;
- ✔ транспорт хизматлари;
- ✔ дори воситалари билан таъминлаш.

Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими органлари, бошқа давлат органлари томонидан тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг хулосалари асосида кўрсатилади.

Ногиронлиги бўлган, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотган ва ўзгаларнинг доимий парваришига муҳтож бўлган шахсларга уларнинг уйида ҳамда ваколатли давлат органларининг ихтисослаштирилган стационар муассасаларида қонунчиликда белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилади. Бу муассасаларда ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан бир қаторда ҳаёт фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар таъминланади, тиббий хизматлар кўрсатилади, шунингдек меҳнат фаолияти ва дам олиш ташкил этилади.

Иш берувчининг айби билан меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган ногиронлиги бўлган шахслар тиббий кўрсатмаларга биноан иш берувчининг (ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар) маблағлари ҳисобидан **реабилитация қилишнинг техник ва махсус транспорт воситалари** билан таъминланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронлиги бўлган шахсларга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан **қўшимча ижтимоий кафолатлар** белгилаш ҳуқуқига эга.

Ногиронлиги бўлган шахслар санаторий-курортда бепул соғломлаштириш, шунингдек дори воситалари, ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилиш учун мўлжалланган тиббий буюмлар ва ногиронлиги бўлган болалар учун махсус шифобахш озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг санаторий-курортда соғломлаштирилишини таъминлаш тартиби ҳамда дори воситаларининг, ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш

қилиш учун мўлжалланган тиббий буюмларнинг ва ногиронлиги бўлган болалар учун махсус шифобахш озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

37-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш

Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш соғлиқни сақлаш органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари, хайрия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари иштирокида амалга оширилади ҳамда қуйидаги турларни ўз ичига олади:

- ✓ ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш масалалари юзасидан маслаҳат бериш;
- ✓ тегишли органлар ва ташкилотларга юбориш;
- ✓ соғлиғининг ҳолатига кўра ўзига нисбатан ҳомийлик белгиланишига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларга кўмаклашиш ва ҳомийларнинг ўз мажбуриятларини бажариши устидан назоратни амалга ошириш;
- ✓ протез-ортопедия мосламаларини ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олишда кўмаклашиш;
- ✓ ўзгаларнинг парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларни дори воситалари билан бепул ёки имтиёзли таъминлаш;
- ✓ ўзгаларнинг парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена воситалари билан бепул таъминланишига, шу жумладан овқат тайёрлашига ва уй-жойни йиғиштиришига, гигиенани амалга оширишига кўмаклашиш.

Агар ходим иш берувчининг айби билан ногирон ва ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлиб қолган бўлса,

ногиронлиги бўлган шахс меҳнат қобилиятини йўқотган вақтда уни парвариш қилувчи шахсни иш берувчи тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг ёки педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг хулосасига биноан ўз ҳисобидан таъминлаши ҳамда жабрланган ходимга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаши ва маънавий зиённи компенсация қилиши шарт.

6-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, ушбу шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

38-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқи

Ногиронлиги бўлган шахслар барча даражалардаги таълим ташкилотларида таълим олиш ва ўз қобилиятини янада тўлиқроқ ривожлантириш учун бутун умри давомида таълим олиш ҳамда жамият ва давлат ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг **инклюзив таълимини** ривожлантиришни, уларнинг таълим олиши ва касбий тайёргарликдан, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини кафолатлайди.

Таълим ташкилотлари давлат органлари билан биргаликда ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача, мактабдан ташқари ва умумий ўрта таълим олишини, шунингдек ўрта махсус, профессионал, олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълими олишини таъминлайди.

Агар ногиронлиги бўлган болаларни таълим муассасаларида ўқитишнинг вақтинча имкони бўлмаса, таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва таълим муассасалари ногиронлиги бўлган болаларнинг соҳага оид шифокорлар тавсиялари асосида ҳамда ота-онасининг ёки

бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан уйда ўқитилишини таъминлайди.

Ногиронлиги бўлган болаларни уйда ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларнинг **бепул** умумий ўрта, мактабдан ташқари, ўрта махсус ва профессионал таълим олишини кафолатлайди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни тўловдан озод қилган ҳолда ёки имтиёзли шартлар асосида махсус ўқув қўлланмалари ва адабиётлар, шунингдек сурдотаржимонлар хизматларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Нодавлат таълим ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахсларни (болаларни) ўқитганлик учун тўлов бўйича имтиёзлар белгилашга ҳақли.

Ногиронлиги бўлган шахсларга таълим бериш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш турли шаклларда, шу жумладан ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда, экстернат шаклида, шунингдек масофавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда, умумий типдаги таълим муассасаларида ва ташкилотларида, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, уйда, махсус гуруҳларда, синфларда ва яқка тартибдаги ўқув режалари бўйича ўқитиш йўли билан амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган болаларни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш, уларда ижтимоий фаолликни шакллантириш, меҳнатга иштиёқ уйғотиш, уларни илм-фанга, техникага, санъатга ва спортга жалб этиш мақсадида таълим муассасалари ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабдан ташқари таълимдан фойдаланишини, бунинг учун зарур шарт-

шароитлар яратган ҳолда, давлат органлари билан биргаликда таъминлаши шарт.

Имо-ишора тили Ўзбекистон Республикаси томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахслараро муомала воситаси сифатида эътироф этилади.

Давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳар бири учун мосроқ бўлган тилларни, мулоқот қилиш усуллари ва воситаларини ривожлантириш, Брайль алифбосини, муқобил ҳарфларни, нутқ ва оғзаки муомала кўникмаларини ўзлаштириш, шунингдек ўқитувчиларни ва мактаб ходимларини инклюзив таълим масалаларида ўқитиш, имо-ишора тилини ва Брайль алифбосини биладиган ногиронлиги бўлган ўқитувчиларни таълим муассасаларига ишга жойлаштириш ёрдамида ногиронлиги бўлган шахслар учун таълим тизимини такомиллаштириш чораларини кўради.

39-модда. Ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача таълими

Ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача таълими мактабгача таълим ташкилотларида амалга оширилади.

Мактабгача ёшдаги ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан зарур реабилитация ва абилитация қилиш чоралари амалга оширилади ҳамда уларнинг мактабгача таълим ташкилотларида бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Соғлиғининг ҳолати мактабгача таълим муассасаларида бўлишни вақтинча истисно этадиган ногиронлиги бўлган болалар учун **кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари** ташкил этилади.

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида илғор услубиётларни ўз ичига оладиган мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурини амалга ошириш таъминланади.

40-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал, мактабдан ташқари, олий ва олий таълимдан кейинги таълими

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус таълими, профессионал таълими таълим муассасаларида ва ташкилотларида, зарурият бўлганда эса ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мактабдан ташқари таълими болалар, ўсмирлар ижодиёт саройлари, уйлари, клублари ва марказларида, «Баркамол авлод» болалар мактабида, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, болалар мусиқа ва санъат мактабларида, студияларда, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасаларида амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий таълими олий таълим муассасаларида ва ташкилотларида амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий таълимдан кейинги таълими олий таълим ва илмий ташкилотларда олиниши мумкин.

Стационар даволаш-профилактика ёки реабилитация муассасаларида даволаш курсини ўтаётган ногиронлиги бўлган болалар учун мазкур муассасаларда ўқув машғулотилари ташкил этилади.

Профессионал таълим олиш учун махсус шарт-шароитларга муҳтож ногиронлиги бўлган шахслар учун турли типдаги ва хилдаги ихтисослаштирилган профессионал таълим муассасалари ташкил этилади. Уларда ўқитиш махсус ўқув дастурлари асосида давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида абитуриентларни қабул қилиш умумий сонининг **икки фоизи миқдорида қўшимча қабул квотаси** ажратилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча квота асосида олий таълим муассасаларига қабул қилиш кириш имтиҳонлари натижалари бўйича амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун ажратилган қўшимча квоталар бўйича ўқишга қабул қилинмаган абитуриентлар тўплаган баллари билан таълимнинг ушбу йўналиши бўйича танловда умумий асосларда иштирок этади.

41-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Ногиронлиги бўлган шахсларни **касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш** таълим муассасаларида ва ташкилотларида, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари корхоналарида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг **якка тартибдаги дастурига мувофиқ** таъминланади.

Давлат касбга тайёрлаш (шу жумладан касбга ташхис қўйиш ва йўналтириш, шакллантириш ва реабилитация қилиш), тарбиялаш, ўқитиш ва такомиллаштириш даврида дидактик ҳамда йўриқномавий материал, шу жумладан кўзи ожизлар учун материаллар (Брайль алифбоси), кўриш қобилияти заиф бўлганлар учун овозли вариантдаги ҳарфлар, овозли адабиёт, шу жумладан гуруҳларда ўқитиш учун ёрдамчи овоз тизимлари, эшитиш қобилияти заиф бўлганлар учун мимика ва имо-ишора тилига таржима билан таъминланишини кафолатлайди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан энгил автомобилларни бошқариш учун яроқли деб эътироф этилган

ногиронлиги бўлган шахсларни ҳайдовчиликка тайёрлаш махсус ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

Кар ва кар-соқов шахсларни ҳайдовчиликка тайёрлаш умумий ўқув дастури асосида **сурдотаржима** билан амалга оширилади.

7-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат қилиши ва бандлиги

42-модда. Меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилишини таъминлаш

Ногиронлиги бўлган шахс одатдаги меҳнат шароитларига эга **ташкilotларда**, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи **ихтисослаштирилган корхоналарда, цехларда ва участкаларда** ишлашга, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

Меҳнат муносабатларининг барча шакллариغا нисбатан, шу жумладан ишга қабул қилиш шартларига, ишга ёллашга, меҳнат фаолиятини амалга оширишга, ишни сақлаб қолишга, хизматда (ишда) лавозим бўйича кўтарилишга, шунингдек хавфсиз меҳнат шароитлари таъминланишига нисбатан ногиронлик белгисига кўра камситиш тақиқланади.

Ногиронлиги бўлган шахснинг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги ва таътилларда бўлиши даврида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди, бундан ташкilot тўлиқ тугатилган ҳоллар мустасно.

Ногиронлиги бўлган шахсларни тунги вақтда ишга, шунингдек ишдан ташқари вақтдаги ишларга ва дам олиш кунлари ишга жалб этишга йўл қўйилмайди, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ишловчи шахсларга нисбатан меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори камайтирилмаган ҳолда қисқартирилган иш вақти давомийлиги белгиланади ва меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилади.

43-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида:

✔ ногиронлиги бўлган шахсларни касбий реабилитация қилишни амалга оширади, уларни меҳнатда кузатиб боради, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг мос келадиган ишга киришини, сақлаб қолинишини ва хизматда (ишда) лавозим бўйича кўтарилишини таъминлайди;

✔ ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилайди;

✔ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун мос келадиган касблар бўйича иш ўринларини захира қилинишини таъминлайди;

✔ ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ташкилотларни ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштиришга рағбатлантиради, шунингдек ихтисослаштирилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминлайди;

✔ ногиронлиги бўлган шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди;

✔ ихтисослаштирилган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлайди;

✔ ногиронлиги бўлган шахсларни янги касбларга ўқитиш ўқув дастурлари ташкил этилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди;

✔ ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат секторига ишга жойлаштирилишини ва бандлиги рағбатлантирилиши ҳамда ривожлантирилишини таъминлайди;


✔ ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан, шу жумладан уларнинг касаначилигидан фойдаланувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлайди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш маҳаллий меҳнат органлари томонидан таъминланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ходимларининг сони йигирма нафардан ортиқ бўлган ташкилотларда ходимлар умумий сонининг камида уч фоизи миқдорда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сони белгиланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳамда маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган корхоналар ва иш ўринлари ташкил этилади. **Кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахслар** шарт-шароитлари ўз имкониятларига мувофиқ бўлган ишлаб чиқаришда иштирок этиш учун **устувор ҳуқуққа эга бўлади.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҲУҚУҚЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [07.03.2024 йил ПҚ-122-сон]

✦ Хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан **уч йиллик имтиёзли давр билан етти йил** муддатга йиллик **14 фоиз** ставкада **жами 100 миллион АҚШ доллари** эквивалентида, шундан **АТ “Халқ банки”га 35 миллион АҚШ доллари**, **“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБга 35 миллион АҚШ доллари** ва **“Микрокредитбанк” АТБга 30 миллион АҚШ доллари** миқдорида кредит ресурслари ажратилади.

Белгилансинки, хотин-қизларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштиришга:

✦ **АТ “Халқ банки”** ва **“Микрокредитбанк” АТБга** ажратилган маблағлар ҳисобидан **оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури** доирасида белгиланган тартиб ва механизмлар асосида;

✦ **“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБга** ажратилган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни

ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-306-сон ва 2023 йил 15 ноябрдаги “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-366-сон қарорларида белгиланган тартиб ва механизмлар асосида кредитлар ажратилади.

★ Белгилаб қўйилсинки, **Савдо-саноат палатаси, АТ “Халқ банки”, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ** ва **“Микрокредитбанк” АТБ**да қуйидагиларни назарда тутувчи хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш тизими яратилади:

✔ ташаббускор хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

✔ маҳаллаларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш;

✔ хотин-қизлар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотиш;

✔ кооперация асосида лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш;

✔ лойиҳалар амалга оширилишини кузатиб бориш ва аёл тадбиркорлар билан доимий мулоқот қилиш.

Дастурни шакллантиришда ва унга киритилган лойиҳаларга мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан кредит ажратишда **устуворлик “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”** ахборот тизимига, **“Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”** ва **“Темир дафтар”**га киритилган хотин-қизлар томонидан амалга ошириш таклиф этилаётган лойиҳаларга берилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган
давлат хизматлари сифатини янада оширишга
қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
қарори
[31.10.2023 йил ПҚ-353-сон]**

★ **2024 йил 1 январдан** бошлаб:
фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш учун амалдаги тартибга қўшимча равишда уларнинг хоҳишига кўра Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади;

фуқароларга давлат пенсиялари тайинланганидан сўнг уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки АТ «Халқ банки»нинг мобиль иловаси орқали олиш имконияти яратилади.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларни олиш ҳуқуқини берувчи сертификат бериш тартиби бекор қилинади.

★ **2025 йил 1 мартдан** бошлаб фуқароларга ёшга доир пенсияларни «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида белгиланган ёшга тўлиши муносабати билан алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда **проактив шаклда** тайинлаш тартиби жорий этилади.

Бунда, ёшга доир пенсиялар Пенсия жамғармасининг ахборот тизими орқали тегишли вазирлик ва идоралараро

ахборот алмашинуви асосида олинадиган фуқаронинг иш стаж, иш ҳақи ҳамда бошқа маълумотларига асосан давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартиб ва меъёрларга мувофиқ ҳисобланади ва тайинланади.

★ Фуқароларга пенсия ёшига етиб меҳнат фаолиятини давом эттирган ҳолда кейинчалик ёшга доир пенсияга чиқиш истагини билдирганида проактив шаклда тайинланган пенсияни **рад қилиш ҳуқуқи** берилади.

Ёшга доир пенсия фуқаронинг кейинчалик қилган муурожаатига асосан давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган муддатларга мувофиқ қайтадан ҳисобланади ва тайинланади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган
давлат хизматлари сифатини янада оширишга
қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
қарори**

[28.09.2023 йил ПҚ-319-сон]

2023 йил 15 октябрдан бошлаб 1-иловага мувофиқ дастлаб **28 та туман (шаҳар)да** эксперимент тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (*кейинги ўринларда — Агентлик*) **“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари** ижтимоий ходимлар гуруҳлари томонидан ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишнинг янги тизими йўлга қўйилади.

✦ Қуйидагилар туман (шаҳар)лардаги **“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари**даги ижтимоий ходимлар гуруҳлари (*кейинги ўринларда — ижтимоий ходимлар*)нинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

✔ оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилаларга (*кейинги ўринларда — **ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли***) бевосита маҳалла даражасида комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатиш;

✔ **ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг** эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини баҳолаш орқали уларга индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режаларини (*кейинги ўринларда — индивидуал ижтимоий хизматлар режаси*) ишлаб чиқиш;

✔ индивидуал ижтимоий хизматлар режасига мувофиқ ижтимоий хизматлар ва ёрдамларнинг кўрсатилишини ташкил қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда индивидуал ижтимоий хизматлар режасига тегишли тузатишлар киритиб бориш;

✓ ички ресурсларни, шу жумладан ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўнгиллиларни (қариндошлар, кўни-қўшнилар, волонтерлар) ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишга жалб қилиш ҳамда уларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

✓ аҳолига давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар тўғрисида, шунингдек, аҳолининг мазкур хизматларни олишга бўлган ҳуқуқлари бўйича тушунтириш бериш.

Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишда ижтимоий ходимларга ҳар томонлама кўмак бериш бўйича шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланади.

2023 йил 15 октябрдан бошлаб талабгорларни ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш ёки бекор қилиш, шунингдек, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатига киритиш (ундан чиқариш) **“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари**нинг қарорига асосан амалга оширилади;

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари директорларига муайян яшаш жойига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини Агентлик ҳузуридаги уй-жой фондига эга бўлган муассасаларга олти ой муддатгача вақтинча рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи берилади.

1-ИЛОВА

Ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар дастлаб йўлга қўйиладиган туманлар (шаҳарлар)

РЎЙХАТИ

T/p	Туман (шаҳар) номи	Маҳаллалар сони (бирлик)	Ижтимоий ходимлар сони (бирлик)
	Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	Беруний тумани	40	28
2.	Хўжайли тумани	28	18
	Андижон вилояти		
3.	Андижон шаҳри	83	52
4.	Хўжаобод тумани	39	16
	Бухоро вилояти		
5.	Қоракўл тумани	50	26
6.	Пешку тумани	37	20
	Жиззах вилояти		
7.	Бахмал тумани	33	22
8.	Ғаллаорол тумани	35	26
	Қашқадарё вилояти		
9.	Қарши тумани	58	40
10.	Деҳқонобод тумани	54	22
	Навоий вилояти		
11.	Конимех тумани	15	6
12.	Навоий шаҳри	36	22
	Наманган вилояти		
13.	Косонсой тумани	59	24
14.	Чуст тумани	72	36
	Самарқанд вилояти		
15.	Пахтачи тумани	59	26
16.	Каттақўрғон шаҳри	36	10
	Сурхондарё вилояти		
17.	Термиз шаҳри	37	20
18.	Узун тумани	51	26

	Сирдарё вилояти		
19.	Ховос тумани	28	14
20.	Гулистон шаҳри	24	12
	Тошкент вилояти		
21.	Янгийўл тумани	64	28
22.	Тошкент тумани	70	26
	Фарғона вилояти		
23.	Фарғона шаҳри	73	46
24.	Данғара тумани	46	22
	Хоразм вилояти		
25.	Урганч тумани	60	28
26.	Янгибозор тумани	30	14
	Тошкент шаҳри		
27.	Олмазор тумани	64	44
28.	Мирзо Улуғбек тумани	70	46

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини
моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони
[28.07.2023 йил ПФ-120-сон]**

2024 йил 1 майдан бошлаб:

✚ зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори — ойига **648 000 сўм;**

✚ иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **648 000 сўм;**

✚ ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори — ойига **648 000 сўм;**

✚ боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — ойига **648 000 сўм** ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун — **212 000 сўм** этиб белгилансин;







✚ боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — ойига **648 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўланади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам
кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини
йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар
тўғрисида”ги Фармони
[01.06.2023 йил ПФ-82-сон]**

1-ИЛОВА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг асосий
фаолият йўналишлари***

***1. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат
сиёсати ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга
ошириш йўналишида:***

-  аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;
-  ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ва оилалар бўйича ижтимоий ёрдам дастурларини ишлаб чиқиш;
-  кафолатланган ижтимоий хизматлар стандартларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш;
-  аҳолининг турли гуруҳлари билан ишлайдиган профессионал “ижтимоий иш” хизматини ташкил этиш;
-  ижтимоий шерикликни кенгайтириш, нодавлат сектор ва маҳаллий ҳамжамиятларни турли хил хизматлар кўрсатиш ва аҳолининг заиф қатламларини қўллаб-қувватлашга янада фаол жалб қилиш учун рағбатлантириш чораларини яратиш;
-  соҳани рақамлаштириш орқали ижтимоий ҳимоя тизими шаффофлигини таъминлаш ва жараёнларни аҳоли учун қулай тарзда ташкил қилиш.

II. Ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш йўналишида:

ногиронликни баҳолаш ва аниқлашнинг тиббий моделдан ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтишни таъминлаш;

❁ ногиронлиги бўлган шахсларни юқори сифатли протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлаш;

❁ ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация ва абилитация қилиш соҳасини ривожлантириш ва соҳага замонавий технологияларни жорий қилиш;

❁ жамиятда ижтимоий мослашув ва интеграция учун шароит яратиш, ногиронлиги бўлган шахсларни бандлигини таъминлашга қўмаклашиш, инклюзивликни таъминланишини мувофиқлаштириш ҳамда уларга қулай муҳит шакллантирилганлигини назорат қилиш;

❁ ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан жамият онгида соғлом фикрни шакллантириш;

❁ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мустақил ҳаёт кечиришини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, уларга уй шароитида ижтимоий хизматларини ташкил қилиш;


❁ ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлайдиган ихтисослаштирилган интернат, таълим муассасалари ва реабилитация марказлари фаолиятини такомиллаштириш.


III. Вояга етмаган болаларни ҳимоя қилиш йўналишида:

❁ болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;


❁ васийлик ва ҳомийлик тизимини такомиллаштириш, шу жумладан оилага асосланган болаларни парвариш қилишнинг муқобил шаклларини ривожлантириш;


❁ фарзанд асраб олиш тизимини такомиллаштириш;

 ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этиш;


 ҳимояга муҳтож болаларни даволашни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш.


IV. Аёлларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш йўналишида:


 аёлларни зўравонлик ва жинсий зўравонлик таъқибидан ҳимоя қилишда профессионал ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

 зўравонликдан азият чеккан аёлларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан бошпана (шелтер) ва реабилитация марказлари ишини ташкил қилиш.

V. Оғир ҳаётӣй вазиятга тушиб қолган оилалар билан ишлаш йўналишида:

 оилаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш, болаларни оилалардан ажратишнинг олдини олиш, ота-оналарнинг кўникмаларини ривожлантириш;

 оғир ҳаётӣй вазиятда бўлган ҳомиладор аёллар, ёлғиз ота-оналар ва ёш болали оилаларни қўллаб-қувватлаш тизимини ташкил қилиш;

 оғир ҳаётӣй вазиятларда бўлган оилалар фарзандлари учун ижтимоий хизматларни ривожлантириш;

 паллиатив ёрдамни ташкил қилиш.

VI. Ёшлар билан ишлаш йўналишида:

психосоциал хизмат кўрсатиш тизимини ташкил қилиш;
алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари битирувчиларини турли ташкилотлар томонидан тақдим қилинган ижтимоий хизматлар, йўлланма ва сўровлари асосида психологик

саломатлик, зарур кўникма ва таълим олиш, касбга, ишга ва тадбиркорлик қилишга йўналтириш тизимини йўлга қўйиш.

VII. Якка ёлғиз ва кексалар билан ишлаш йўналишида:

уйда парвариш қилиш ва қўллаб-қувватлаш хизматларини ташкил қилиш;

қариялар уйлари ва бошқа муассасалар негизида профессионал хизмат кўрсатиш тизимини ташкил қилиш; зўравонликдан ҳимоя қилиш.

VIII. Ижтимоий таъминот дастурлари йўналишида:

ижтимоий суғурта тизимида ягона давлат сиёсатини юритиш;

аҳолини ижтимоий суғурта тизимига жалб қилиш бўйича рағбатлантирувчи механизмларини ишлаб чиқиш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Тошкент метрополитенидан фойдаланишда
пенсия олувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш
тўғрисида” ги Фармони
[15.03.2023 йил ПҚ-94-сон]**

2023 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент метрополитенининг тўлиқ фаолият кўрсатиши вақти давомида **пенсия олувчиларга бепул** хизмат кўрсатилади.

Бунда, Тошкент метрополитенининг мазкур бандда кўрсатилган хизматларни кўрсатиш эвазига олинмай қолган даромадлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб борилади.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш
tizимини такомиллаштиришга доир қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори
[27.02.2023 йил ПҚ-74-сон]**

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар ва уларга **ғамхўрлик қилувчи** (йўлда кузатиб боровчи) бир нафар фуқаро учун давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан, шу жумладан давлат хизматлари марказлари, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият муассасаларида фуқароларнинг бевосита ҳозирлигида (жойида) кўрсатиладиган хизматлардан **навбатсиз фойдаланиш, давлат идоралари раҳбарлари** (мансабдор шахслари) қабулига **навбатсиз кириш** бўйича имтиёз берилади.

2023 йил 1 майдан бошлаб тиббиёт муассасаларида даволанаётган ногиронлиги бўлган болага ғамхўрлик қилиш учун шу муассасада унинг **отаси** ёки **онасига** (уларнинг ўрнини босувчи шахсга) ёхуд оиланинг **болани бевосита парваришлаётган бошқа аъзосига** ногиронлиги бўлган боланинг ёнида бирга бўлиш учун шароит яратилади, жумладан:

✚ стационар тиббиёт муассасаларида ногиронлиги бўлган болани парваришлаётган шахсга мазкур давр учун **меҳнатга лаёқатсизлик варақаси** берилади;

✚ болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга ғамхўрлик қилувчи шахслар (ота-онаси ва бошқалар) учун даволаш даврида давлат стационар тиббиёт муассасаларида **бепул овқатланиш** йўлга қўйилади.

Педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан **болаларнинг ногиронлиги бўлган шахс** деб топилиши асосли эканлигини аниқлаш мақсадида уларни

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларининг йўлланмасига асосан қайтадан тиббий-ижтимоий экспертизага юбориш тартиби бекор қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини
тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида” ги қарори
[19.01.2022 йил ПҚ-92-сон]**

**Маҳалладаги ёшлар такчилари тавсияси асосида ёшларга
бериладиган ёрдам турларининг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ёрдам тури	Тавсия мазмуни	Хулоса кимга тақдим этилиши
1.	Моддий аҳволи қийин ёшларни қўллаб-қувватлаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш.	Моддий ёрдам бериш ёки рад этиш бўйича тавсия	“Ёшлар дафтари” жамғармаси Васийлик кенгашига (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши)
2.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга 12 ойгача турар жой ижараси компенсациясини қоплаш учун — ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
3.	Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
4.	Мамлакатдаги профессионал ва олий таълим муассасаларида	Субсидия ажратиш ёки	Васийлик кенгашига

	таълим олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача қисмини қоплаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш.	рад этиш бўйича тавсия	
5.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадалини тўлиқ миқдорда қоплаш учун субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
6.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
7.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож янги турмуш қураётган ёш оилаларга ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриши учун тижорат банклари томонидан 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратишга кафиллик бериш.	Кафиллик бериш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
8.	Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия тўлашда алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар тоифасига мансублиги бўйича тавсия бериш.	Алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар тоифасига мансублиги бўйича тавсия	Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимига
9.	Спорт тўғарақларини ташкил этиш учун маҳаллада бўш турган	Ижарага бериш	Ёшлар ишлари агентлигига

	давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда, ушбу объектга нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдорида ижарага бериш.	юзасидан тавсия	
10.	Аҳволи оғир бўлган 30 ёшдан ошмаган бемор фуқароларга мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
11.	Ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача бўлган қисми ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаб бериш.	Харажатларни қоплаш ёки рад этиш бўйича тавсия	Ёшлар ишлари агентлигига
12.	Ногиронлиги бўлган ёшларга нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунарга ўргатиш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари, компютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш, шунингдек, зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Ёшлар ишлари агентлигига

	бараваригача бўлган миқдорда субсидия ажратиш.		
13.	Ногиронлиги бўлган ёшларга касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўргатиш курсларини муваффақиятли тугатган ҳамда махсус сертификатни олган, шунингдек, тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганларга асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бўлган миқдорда субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Ёшлар ишлари агентлигига

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам
кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш
кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги Фармони
[11.08.2021 йил ПФ-6277-сон]**

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб:

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига **кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси** (кейинги ўринларда — *болалар нафақаси*) жорий этилади. Бунда, болалар нафақасини тайинлашда:

инобатга олинадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилади;

тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилади;

унинг миқдорини оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгилаш тартиби қўлланилади;

якка-ёлғиз бўлган фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланади.

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларининг қуйидаги миқдорлари белгилансин:

болалар нафақасининг **ҳар ойлик миқдори:**

250 000 сўм — 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанди учун, **325 000 сўм** — ёши 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун;

150 000 сўм — оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча;

100 000 сўмдан — оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун;

кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдамнинг ойлик миқдори — **380 000 сўм**.

Бунда, 2021 йил 1 сентябрга қадар тайинланган 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тўлаш муддатлари тугагунига қадар, мазкур турдаги нафақалар ва моддий ёрдамнинг амалдаги миқдорлари ҳамда уларни тўлаш муддатлари сақлаб қолинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИДА

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
““Темир дафтар” орқали ижтимоий хизмат ва
ёрдам кўрсатиш ҳамда “Саховат ва кўмак”
жамғармаси маблағларини шакллантириш ва
улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш
тўғрисида”ги қарори
[31.05.2024 йил 313-сон]

2-ИЛОВА

**Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларни
“Темир дафтар”га киритиш, ҳисобини юритиш ҳамда
ундан чиқариш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Қуйидаги оилалар “Темир дафтар”га киритилади:

бир вақтнинг ўзида оилада:

- ❖ меҳнатга лаёқатли шахс мавжуд бўлмаса ёки ягона боқувчиси оғир касал ёки ногиронлиги бўлган оила аъзоси (лари)ни парвариш қилиш билан банд бўлса;
- ❖ оғир касал ёки ногиронлиги бўлган оила аъзоси мавжуд бўлса;
- ❖ оиланинг моддий аҳволи оғир бўлса;
- ❖ уй-жойи йўқ ёки ҳолати ёмон аҳволда бўлса;

бир вақтнинг ўзида оилада:

- ❖ меҳнатга лаёқатли шахс мавжуд бўлмаса ёки ягона боқувчиси оғир касал бўлса;
- ❖ оила аъзоси ёлғиз ёки ёлғиз яшовчи бўлса;
- ❖ оиланинг моддий аҳволи оғир бўлса;
- ❖ уй-жойи йўқ ёки ҳолати ёмон аҳволда бўлса;

бир вақтнинг ўзида оилада:

- ❖ меҳнатга лаёқатли шахс мавжуд бўлмаса ёки ягона боқувчиси оғир касал ёки ногиронлиги бўлган оила аъзоси (лари)ни парвариш қилиш билан банд бўлса;
- ❖ боқувчисини йўқотган бўлса;
- ❖ оиланинг моддий аҳволи оғир бўлса;
- ❖ уй-жойи йўқ ёки ҳолати ёмон аҳволда бўлса;

бир вақтнинг ўзида оилада:

- ❖ ягона боқувчи 3 ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзандларини тарбиялаётган ёлғиз она (ота, васий ёки ҳомий) бўлса;
- ❖ оиланинг моддий аҳволи оғир бўлса;
- ❖ уй-жойи йўқ ёки ҳолати ёмон аҳволда бўлса;

бир вақтнинг ўзида оилада:

- ❖ 2 ва ундан ортиқ оила аъзоларида оғир касаллик ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги белгиланган бўлса;
- ❖ оиланинг моддий аҳволи оғир бўлса;
- ❖ уй-жойи йўқ ёки ҳолати ёмон аҳволда бўлса.

**Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларни
“Темир дафтар”га киритиш**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Фуқаро	Ариза берувчи онлайн шаклда ёки ижтимоий ходим орқали мурожаат қилади.	Хоҳишига кўра
2-босқич	“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази	<p>1. Ариза берувчиларнинг ижтимоий ҳолати ва муаммоларини кейс-менежмент усулидан фойдаланган ҳолда аниқлайди.</p> <p>2. Кейс-менежмент натижасида оилани “Темир дафтар”га киритиш бўйича хулоса қилинганда, тавсиянома шакллантирилади ва кўриб чиқиш учун “маҳалла еттилиги”га киритади.</p>	<p>1. Уч иш кунида</p> <p>2. Бир иш кунида</p>
3-босқич	“Маҳалла еттилиги”	<p>1. Кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.</p> <p>2. Қабул қилинган қарор тўғрисида фуқарони хабардор қилади.</p>	<p>1. Уч иш кунида</p> <p>2. Бир иш кунида</p>

“Темир дафтар”дан чиқариш тартиби

Оилалар қуйидаги ҳолларда “Темир дафтар” дан чиқарилади:

ҳар бир тоифа бўйича белгиланган ёрдамлар тўлиқ кўрсатилганда;

тўлиқ давлат таъминотига олинганда;

ўз аризасига кўра;

“Темир дафтар” га киришда нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланганда;

бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;

суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;

шахс вафот этган тақдирда ёки суд қарори асосида бедарак йўқолган деб топилганда.

Ижтимоий ходим кўрсатилган ҳолатларга асосан оилаларни “Темир дафтар”дан чиқариш бўйича **“Маҳалла еттилиги”га** “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали тавсия беради.

“Маҳалла еттилиги” ижтимоий ходим томонидан “Темир дафтар”дан чиқариш тавсия этилаётган оилаларни **учиш кун ичида** юқорида назарда тутилган асослардан бирининг мавжудлиги бўйича ўрганиб чиқади.

Ижтимоий ходим тавсияси **“Маҳалла еттилиги”** аъзоларининг **оддий кўпчилик овози** билан маъқулланган тақдирда, оилани “Темир дафтар”дан чиқариш бўйича қарор қабул қилинади ва бу тўғрисидаги маълумот **“Ижтимоий ҳимоя” АТга киритилади.**

“Темир дафтар”дан чиқарилаётган оилалар ижтимоий ходим томонидан бир кун ичида бу ҳақда хабардор қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга
ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий
қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини
такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори
[31.05.2024 йил 316-сон]**

1-ИЛОВА

***Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни Ижтимоий
қўллаб-қувватлаш марказларига жойлаштириш ҳамда
уларга ижтимоий ва реабилитация хизматларини
кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ***

Асосий тушунчалар:

ижтимоий ва реабилитация хизматлари — шахсларнинг функционаллигини тиклаш, шу жумладан соғлиғидаги мавжуд нуқсонларини бартараф этиш, уларнинг салбий таъсирини юмшатиш орқали нормал ҳаёт кечириш имкониятини яратиш ҳамда жамиятга ижтимоийлашувига қаратилган комплекс хизматлар;

Махсус комиссия — ҳудудий бошқармалар ҳузуридаги шахсларни Агентлик тизимидаги тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш, бир тиббий-ижтимоий муассасадан бошқасига ўтказиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиб, қарор қабул қиладиган доимий асосда фаолият юритувчи комиссия;

қонуний вакил — ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражали қариндошлари, ҳомийлари, суд томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсни парвариш қилиш мажбурияти юкланган шахслар;

ҳудудий бошқарма — Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари (*кейинги ўринларда — Марказлар*)да қуйидаги **ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга** ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатилади:

бепул асосда ҳамда чекланмаган муддатга — Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари бўлмаган ва ўз номида кўчмас мулкка эга бўлмаган ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи I гуруҳ ногиронлиги бўлган кексалар (*кейинги ўринларда — доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар*).

Бунда ўз номида кўчмас мулкка эга бўлган ҳамда қонунчиликка мувофиқ ўзганинг ёрдамига анча боғлиқлиги (*Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 53 баллгача тўплаган*) боис ўзгалар парваришига муҳтож деб эътироф этилган **ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар** Махсус комиссиянинг қарорига мувофиқ истисно тариқасида доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс сифатида Марказларга жойлаштирилиши мумкин;

шартномага мувофиқ пуллик асосда хизмат кўрсатиладиган қуйидаги шахслар (*кейинги ўринларда — пуллик хизмат кўрсатиладиган шахслар*):

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари бўлган ўзгалар парваришига муҳтож **кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар**;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида (*кейинги ўринларда — Ягона реестр*) киритилган оилаларнинг ўзгалар парваришига муҳтож **кексалари ва ногиронлиги бўлган шахслари**.

Бунда юкорида назарда тутилган шахсларга:

- бир йилгача бўлган муддатда стационар ва бир ойгача бўлган муддатда кундузги қатнов шаклида Агентлик томонидан белгиланган квоталар доирасида Марказлар жойлашган вилоят (шаҳар)да яшовчи шахсларга;
- бир йилгача бўлган муддатда мобиль шаклда Марказлар жойлашган туман (шаҳар)да яшовчи шахсларга кўрсатилади.

Юкорида назарда тутилган шахсларни Марказларга жойлаштириш уларда қуйидаги **қарши кўрсатмалар мавжуд бўлмаган тақдирда** амалга оширилади:

- беморнинг ўзи ва атрофидагилар учун хавfli бўлган мойилликнинг қўпол бузилишлари ва ахлоқий дағаллик билан бирга кечадиган руҳий касалликлар;
- жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;
- юқумли тери ва соч касалликлари;
- ўткир юқумли касалликлар;
- соматик касалликларнинг ўткир кечиш даври;
- сурункали касалликларнинг оғир ва ўта оғир (декомпенсация) даражаси;
- салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш (онкологик) касалликлари ва рецидивлари;
- таносил касалликлари;
- деменция фонидаги делирий (Сенил деменцияси, делирий ёки англашнинг ўткир бузилиши билан).

Мазкур қарши кўрсатмалар аниқланган тақдирда, **“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари** (кейинги ўринларда — “Инсон” маркази) томонидан ушбу шахслар тегишли тиббий муассасаларига **даволаниш учун юборилади.**

Агарда, тиббий муассасаларида даволаниш натижасида ушбу шахсларда муқаддам аниқланган қарши кўрсатмалар

бартараф этилса, улар белгиланган тартибда Марказларнинг ижтимоий ва реабилитация хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларни Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларига жойлаштириш ҳамда ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар ёки уларнинг қонуний вакиллари	Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларига (кейинги ўринларда — Марказ) жойлашиш учун яшаш жойидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёки “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими (кейинги ўринларда — Ижтимоий ҳимоя АТ) орқали муурожаат қилиш.	Хоҳишига кўра
2-босқич	“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари	<p>1. Марказга жойлашиш истагида бўлган доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс тўғрисидаги ҳужжат ва маълумотларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва Ижтимоий ҳимоя АТда ягона электрон ҳужжатлар мажмуи сифатида тўплаш.</p> <p>2. Тақдим этилган ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан мустақил равишда олинган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ва муддати ўтган ҳужжатларни ўн иш куни ичида янгилаш учун доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакилини</p>	Муурожаат қабул қилиб олингандан сўнг икки иш кунида

		<p>мобиль алоқа воситалари орқали хабардор қилиш.</p> <p>3. Тақдим этилган ёки "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари томонидан мустақил равишда олинган ҳужжатларда камчилик ёки муддати ўтганлари аниқланмаса, барча ҳужжатларни Ижтимоий ҳимоя АТ орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқарма) ҳузуридаги Махсус комиссияларга юбориш.</p>	
--	--	---	--

3-босқич	Махсус комиссия	<p>1. "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари томонидан Ижтимоий АТ орқали юборилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш.</p> <p>2. Қабул қилинган қарорни Ижтимоий ҳимоя АТ орқали доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакили ва у жойлаштириладиган Марказга юбориш, агар Марказга жойлаштириш рад этилганда, фақат доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакилига юбориш.</p>	<p>Беш иш кунида</p> <p>Қарор қабул қилинган заҳоти автоматик тарзда</p>
----------	-----------------	---	--

	Доимий	Марказга жойлашиш учун	Қарор қабул
--	--------	------------------------	-------------

4-босқич	яшовчи тоифасига кирувчи шахс	унга ташриф буюриш.	қилинган кундан эътиборан ўн беш кун ичида
----------	-------------------------------	---------------------	--

5-босқич	Марказ	<p>1. Доимий асосда яшовчи тоифасига кирувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда Марказга жойлаштириш.</p> <p>2. Марказга қабул қилиш вақтида юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларни ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларига юбориш.</p> <p>3. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс даволаш-профилактика муассасаларида даволаниб бўлгач, Марказга қабул қилиш.</p> <p>4. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс даволаш-профилактика муассасаларида даволаниб бўлгач, унда Марказга жойлаштириш учун қарши кўрсатма аниқланганда, уни Марказдан чиқариш бўйича хулоса расмийлаштириш ва Марказга жойлаштиришни рад этиш.</p>	<p>Марказга жойлашиш учун ташриф буюрилган вақтда</p> <p>Тиббий кўриқдан ўтказиш якунланган вақтда</p> <p>Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс даволаш-профилактика муассасаларида даволаниб бўлгач</p>
----------	--------	--	---

Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларни Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларига жойлаштириш ҳамда ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахслар ёки уларнинг қонуний вакиллари	Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларига (кейинги ўринларда — Марказ) жойлашиш учун яшаш жойидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёки “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими (кейинги ўринларда — Ижтимоий ҳимоя АТ) орқали мурожаат қилиш.	Хоҳишига кўра
2-босқич	“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари	1. Марказга жойлашиш истагида бўлган пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс тўғрисидаги ҳужжат ва маълумотларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва Ижтимоий ҳимоя АТда ягона электрон ҳужжатлар мажмуи сифатида тўплаш. 2. Тақдим этилган ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан мустақил равишда олинган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ва муддати ўтган ҳужжатларни ўн иш куни ичида янгилаш учун пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ёки унинг қонуний вакилини	Мурожаат қабул қилиб олингандан сўнг уч иш кунида

мобиль алоқа воситалари орқали хабардор қилиш.

3. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахснинг ҳақиқатда ўзгалар парваришига муҳтожлигини унинг яшаш жойига борган ҳолда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳолаш ва хулоса шакллантириш ҳамда "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази директорининг электрон рақамли имзоси орқали тасдиқлаш.

4. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахснинг ҳужжатларида камчиликлар ёки муддати ўтганлари ҳамда қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги аниқланганда, ушбу шахсни тегишли Марказга жойлаштириш учун Ижтимоий ҳимоя АТда барча ҳужжатлар ягона электрон ҳужжатлар мажмуи сифатида тўплаш.

5. Ягона электрон ҳужжатлар мажмуи пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсни у танлаган Марказга жойлаштириш учун Ижтимоий ҳимоя АТ орқали юбориш ҳамда пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсни бу тўғрисида Ижтимоий

		ҳимоя АТ ва мобиль алоқа воситалари орқали хабардор қилиш.	
3-босқич	Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс	Марказга жойлашиш ёки унинг хизматларидан мобиль ва кундузги қатнов шаклида фойдаланиш учун унга ташриф буюриш.	“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан хабардор қилингандан сўнг 5 кун ичида
4-босқич	Марказ	<p>1. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва Марказга жойлаштириш ҳамда ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатишга доир тегишли шартномани тузиш.</p> <p>2. Марказга қабул қилиш вақтида юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларни ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларига юбориш.</p> <p>3. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс даволаш-профилактика муассасаларида даволаниб бўлгач, Марказга қабул қилиш.</p> <p>4. Марказда бўш ўрин мавжуд бўлмаганда эса мазкур Марказга жойлаштириш бўйича навбатга қўйиш.</p>	<p>1. Марказга жойлашиш учун ташриф буюрилган вақтда</p> <p>2. Тиббий кўриқдан ўтказиш якунланган вақтда</p> <p>3. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс даволаш-профилактика муассасаларида даволаниб бўлгач</p>

(сана)

(рақам)

**Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсни Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига жойлаштириш бўйича
СЎРОВНОМА**

I. Мурожаат қилувчи шахс тўғрисида маълумотлар:

1. Ф.И.О.	
2. Туғилган йили ва санаси	
3. Доимий рўйхатдан ўтган жойи	
4. Жисмоний шахсинг шахсий идентификация рақами	
5. Электрон почта манзили (мавжуд бўлганда)	
6. Телефон рақами	
7. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсни жойлаштириш сўралаётган асосий ва қўшимча Ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази (номи ва манзили)	

II. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс тўғрисида маълумотлар:

1. Ф.И.О.	
2. Туғилган йили ва санаси	
3. Доимий рўйхатдан ўтган жойи	
4. Вақтинчалик яшаш жойи*	
5. Жисмоний шахсинг шахсий идентификация рақами	
6. Электрон почта манзили (мавжуд бўлганда)	
7. Телефон рақами	

III. Тақдим этиладиган ҳужжатлар:

Низомнинг 3-иловасига мувофиқ рўйхатдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда соғлиқнинг ҳолати тўғрисидаги тиббий ҳужжатлар	
---	--

* Агар доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсинг доимий рўйхатдан ўтган жойи ва амалда яшайдиган жойи бошқа бўлса, ушбу позицияга доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсинг амалда яшайдиган жойи тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

**Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига жойлаштириш
учун талаб этиладиган шахснинг соғлиғи ҳолатига доир
тиббий ҳужжатлар**

РЎЙХАТИ

1. Амбулатор картадан ёки касаллик тарихидан кўчирма (қон ва пешоб таҳлили, қоннинг Австралия антигенига таҳлили, кўкрак қафаси флюорографияси).

2. Руҳий-асаб касалликлари диспансери Тиббий-маслаҳат комиссияси хулосаси (деменция фонидаги делирий (Сенил деменцияси, делирий ёки англашнинг ўткир бузилиши билан) мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумот бўлиши лозим).

3. Силга қарши курашиш диспансери хулосаси.

4. Онкологик диспансер хулосаси.

5. Тери-таносил касалликлари диспансери хулосаси.

Изоҳ. Мазкур рўйхатда кўрсатилган ҳужжатларнинг амал қилиш муддати 3 ойни ташкил этади.

_____	_____
<i>(сана)</i>	<i>(рақам)</i>
<p>Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсни Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига жойлаштириш бўйича СЎРОВНОМА</p>	
I. Мурोजаат қилувчи шахс тўғрисида маълумотлар:	
1. Ф.И.О.	
2. Туғилган йили ва санаси	
3. Доимий рўйхатдан ўтган жойи	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
5. Электрон почта манзили	
6. Телефон рақами	
II. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига жойлаштириш сўралаётган шахс тўғрисида маълумотлар:	
1. Ф.И.О.	
2. Туғилган йили ва санаси	
3. Доимий рўйхатдан ўтган жойи	

4. Вақтинчалик яшаш жойи*	
5. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
6. Электрон почта манзили (мавжуд бўлганда)	
7. Телефон рақами	
III. Тақдим этиладиган ҳужжатлар:	
Низомнинг 3-иловасига мувофиқ рўйхатдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда соғлиқнинг ҳолати тўғрисидаги тиббий ҳужжатлар	

* Агар Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига жойлаштириш сўралаётган шахснинг доимий рўйхатдан ўтган жойи ва амалда яшайдиган жойи бошқа бўлса, ушбу позицияга Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига жойлаштириш сўралаётган шахснинг амалда яшайдиган жойи тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга
ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг сифат
жиҳатидан янги тизимини жорий этиш
тўғрисида”ги қарори
[11.03.2024 йил 123-сон]**

- Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз** ҳамда **ёлғиз яшовчи кексалар** ва **ногиронлиги бўлган шахслар** (кейинги ўринларда — *ўзгалар парваришига муҳтож шахс*) ҳамда уларни **кузатувчи шахслар**га давлат спорт тадбирларига, театрларга ва музейларга кириш **бепул** этиб белгиланади;
- Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз** ёки **ёлғиз яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар** “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази (*кейинги ўринларда — “Инсон” маркази*) йўлланмаларига асосан давлат мулкида бўлган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида ташкил этилган спорт тўғаракларида **бепул** шуғулланади;
- Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар**нинг яшаш жойида дезинфекция ва дезинсекция тадбирлари туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари томонидан **бепул** амалга оширилади;
- Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар**га уларнинг уйида маиший хизмат кўрсатувчи **ижтимоий ходим ассистентларига** бюджет маблағлари ҳисобидан **базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан** йўл ҳақи учун компенсация тўланади.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни эътироф этиш, индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасини тасдиқлаш ва мониторинг қилишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

Қуйидаги тоифадаги шахслар **ўзгалар парваришига муҳтож шахслар** деб эътироф этилади:

Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар (кейинги ўринларда — ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар) — фарзандлари (шу жумладан, фарзандликка олинганлар), эри (хотини), ота-онаси, ҳомийлари ва суд томонидан ногиронлиги бўлган шахсни парвариш қилиш мажбурияти юкланган шахслар (вояга етмаган ёки I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандлар, ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки ёшга доир пенсия ёшидаги эри (хотини) ва ота-онаси бундан мустасно) бўлмаган ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар (кейинги ўринларда — ёлғиз яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар) — ёлғиз яшовчи ёки жазони ижро этиш муассасаларида ёхуд узоқ муддат даволанишда бўлган шахслар билан бирга яшовчи ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар (кейинги ўринларда — ёлғиз кексалар) — фарзандлари (шу жумладан фарзандликка олинганлар), эри (хотини), ота-онаси, ҳомийлари ва суд томонидан кексани парвариш қилиш мажбурияти юклатилган шахслар (вояга етмаган ёки I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандлари, ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки ёшга доир пенсия ёшидаги эри (хотини) ва ота-онаси бундан мустасно) бўлмаган

Ўзгалар парваришига муҳтож ёшга доир пенсия ёшидаги шахслар;

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи кексалар (кейинги ўринларда — ёлғиз яшовчи кексалар) — ёлғиз яшовчи ёки жазони ижро этиш муассасаларида ёхуд узоқ муддат даволанишда бўлган шахслар билан бирга яшовчи ўзгалар парваришига муҳтож ёшга доир пенсия ёшидаги шахслар.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар қуйидаги тартибда аниқланади:

① маҳалладаги **ижтимоий ходим, патронаж ҳамшира ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси** томонидан хизмат вазифаларини амалга ошириш, жумладан, уйма-уй юриш натижасида шакллантирилган сўровномага асосан;

② **ёзма, оғзаки** ёки **электрон шаклда** “Ижтимоий ҳимоя” АТга юборилган кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ёки уларнинг қонуний вакилларининг ёки бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларига асосан.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни аниқлаш, уларнинг яшаш шароитларини баҳолаш, Реестрга киритиш, индивидуал ижтимоий хизматлар режасини шакллантириш, ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатилишини белгилаш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш

СХЕМАСИ

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Жисмоний ёки юридик шахслар, шу жумладан ўзгалар парваришига муҳтож шахслар	Ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда “Ижтимоий ҳимоя” АТга, “Инсон” маркази оператори ва my.gov.uz портали орқали	Заруратга кўра

<p>Маҳалладаги ижтимоий ходим, патронаж ҳамшира ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси</p>	<p>мурожаат юбориш. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни аниқлаш ва “Ижтимоий ҳимоя” АТ орқали сўровнома шакллантириш ва “Инсон” марказига юбориш.</p>	<p>Доимий равишда</p>
<p>“Инсон” маркази директори</p>	<p>“Ижтимоий ҳимоя” АТда рўйхатдан ўтган сўровнома ва мурожаатларни ижтимоий ходимларга тақсимлаш.</p>	<p>Мурожаат келиб тушган ёки шахс аниқланган вақтдан бошлаб 24 соат мобайнида</p>
<p>Маҳалладаги ижтимоий ходим</p>	<p>Сўровнома ва мурожаат кўрсатилган шахсларни бориб кўриш, уларга шошилиш ёрдам кўрсатишнинг заруриятини аниқлаш ва уларни Оферта билан таништириш.</p>	
<p>Ишчи гуруҳ</p>	<p>Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги ва яшаш шароитларини баҳолаш ҳамда баҳолаш натижалари бўйича хулосани расмийлаштириш.</p>	<p>3 иш кунда</p>
<p>“Инсон” маркази директори</p>	<p>Ўзгалар парваришига муҳтож шахс тоифасини белгилаш ва реестрга киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш, Индивидуал тартибдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдам</p>	<p>1 иш кунда</p>

	кўрсатиш режасини тасдиқлаш.	
"Инсон" маркази	Қарорнинг электрон шаклини "Ижтимоий ҳимоя" АТ орқали ёки чоп этилган нусхасини ўзгалар парваришига муҳтож шахсга ҳамда тегишли ташкилотларга юбориш.	
Ишчи гуруҳ	Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси ва яшаш шароитларини қайта баҳолаш.	Ҳар чорақда бир марта
Мультидисциплинар гуруҳ	Ўзгалар парваришига муҳтож шахсга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар самарадорлигини мониторинг қилиш.	Ярим йилда бир марта
"Инсон" маркази директори	Қайта баҳолаш ёки мониторинг қилиш бўйича хулосага мувофиқ "Ижтимоий ҳимоя" АТ орқали тегишли қарор қабул қилиш.	Мультидисциплинар гуруҳ хулосаси олингандан сўнг, бир иш кун ичида
"Инсон" маркази	Ўзгартирилган индивидуал ижтимоий хизматлар режасини ўзгалар парваришига муҳтож шахсга ва тегишлилигича ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатаётган ташкилотларга юбориш.	Қарор қабул қилингандан сўнг, бир иш кун

Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар қуйидаги ҳолатларда “Инсон” маркази директорининг қарори билан Реестрдан чиқарилади:

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса ёки ногиронлиги бўлган ёлғиз шахс:

- + ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатилишини рад этиш тўғрисида “Инсон” марказига мурожаат қилганда;
- + Ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази ёки “Мурувват” интернат-уйига жойлаштирилганда;
- + вафот этганда;
- + ҳомийлик белгиланганда, шунингдек, суд томонидан шахсни парвариш қилиш вазифалари унинг қариндошларига ёки бошқа шахсларга юкланганда;
- + I ва II гуруҳ ногиронлиги олиб ташланганда;
- + фарзандлари вояга етганда (I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандлари бундан мустасно);
- + эри ёки хотини, ота-онаси ва балоғат ёшига етган болаларидан I ва II гуруҳ ногиронлиги олиб ташланганда;
- + 1 ойдан ортиқ муддатга чет элга чиққанда;
- + васий ёки ҳомий тайинланган тақдирда;

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи кекса ёки ёлғиз яшовчи ногиронлиги бўлган шахс:

- + у билан бирга яшовчи фарзандлари вояга етганда;
- + у билан бирга яшовчи шахслардан I ва II гуруҳ ногиронлиги олиб ташланганда;
- + у билан бирга яшовчи илгари жазони ижро этиш муассасаларида бўлган шахслар озод қилинганда;
- + у билан бирга яшовчи илгари узоқ муддат даволанишда бўлган шахслар даволанишдан чиққанда;
- + илгари тақдим этган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган фактлар аниқланганда;
- + вафот этганда;

✚ 3 ойдан кўпроқ вақтга чет элга ёхуд бошқа вилоятга ишлашга ёки ўқишга кетган, ҳарбий хизматга сафарбар этилган шахслар ишлашдан ёки ўқишдан, ҳарбий хизматдан қайтганда;

✚ турмушга чиққан қиз фарзанд ўзгалар парваришига муҳтож шахс билан бирга яшаш учун қайтганда.

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш ёки бекор қилиш бўйича

СЎРОВНОМА

I. Ўзгалар парваришига муҳтож шахс тўғрисидаги маълумотлар	
1. Ф.И.О.	
2. Туғилган йили ва санаси	
3. Биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси ва рақами	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
5. Телефон рақами	
6. Айни вақтдаги яшаш манзили	
7. Биргалиқда яшовчи шахслар мавжуд бўлса (Ф.И.О., ЖШШИР)	
8. Доимий рўйхатдан ўтган манзили	
9. Ногиронлик гуруҳи (агар мавжуд бўлса ногиронлик гуруҳи кўрсатилади)	
II. Сўровнома тўлдирувчи шахс тўғрисидаги маълумотлар	
1. Ф.И.О.	
2. Туғилган йили ва санаси	
3. Биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-карта) серияси ва рақами	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами	
5. Телефон рақами	
6. Иш жойи	
7. Лавозими	
8. Сўровнома тўлдирилган сана	

**Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда
ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг
реестрига киритилган ўзгалар парваришига муҳтож
шахсларга кўрсатиладиган хизматлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Вазирлик ва идора номи	Кўрсатиладиган хизмат ва ёрдам
1.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Профилактик тиббий кўриқдан ўтказиш
Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар реестрига киритишда шахсларнинг соғлиги ҳолатини баҳолаш		
Электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш		
Оилавий шифокор кўригини ташкил қилиш		
Соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш		
Диспансеризациялаш		
Заруратга кўра ихтисослаштирилган стационарларда даволашни тиббий кузатиш билан таъминлаш		
Патронаж ҳамшира махсус парвариш хизматини ташкил қилиш		
Уйда тиббий стационар хизмат кўрсатиш		
Имтиёзли дори воситаси билан таъминлаш		
Дезинфекция ва дезинсекция тадбирларини ўтказиш		
2.	Ички ишлар органларининг профилактика бўйича инспектори	<p>Ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш</p> <p>Вақтинчалик бошпана билан таъминлаш учун тегишли</p>

		<p>ихтисослашган муассасага жойлаштириш</p> <p>Биометрик паспортларини (идентификация ID - карталарини) тиклаш ёки алмаштириш</p> <p>Доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш</p> <p>Тазйиқ ва камситилиш ҳолатларини бартараф этиш</p>
3.	Туман (шаҳар) адлия бўлимлари	<p>Ҳуқуқий маслаҳат бериш</p> <p>Вояга етмаган фарзандларига туғилганлик ҳақида маълумотнома олиш</p> <p>Алимент ундириш, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш, мол-мулкка, шу жумладан уй-жой ва шу кабиларга бўлган ҳуқуқларни белгилаш юзасидан судга киритиладиган аризаларни тайёрлаш</p>
4.	Туман (шаҳар) ҳокимлиги	<p>Ҳомийликдаги ёлғиз кекса шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш</p> <p>Ёлғиз кексаларга ҳомийликни белгилаш ва тугатиш бўйича, шунингдек ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш</p> <p>Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун мулоқот ва дам олиш марказларига боришни ташкил этиш</p> <p>Заруратга кўра кекса ёки ногиронлиги бўлган шахсга</p>

		<p>ҳомийликни белгилаш</p> <p>Ҳомийлик қилишни хоҳловчи, шунингдек ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлган шахсларни жалб этиш</p> <p>Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой бериш учун навбатга қўйиш</p> <p>Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг турар жойларини мослаштириш</p>
5.	<p align="center">Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи</p>	<p>Ёлғиз кексаларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўриш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда ҳуқуқий, методик ва амалий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этишда кўмаклашиш</p> <p>Ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат ва жамоат ташкилотларига кўмаклашиш</p> <p>Шахсларни яшаш шароитини баҳолаш ва хулоса бериш</p> <p>Ёлғиз кексаларни тарихий қадамжолар, зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштиришга кўмаклашиш</p> <p>Таъмирлаш ишларини бажариш сантехника, газ, электр ускуналаридаги носозликларни бартараф этишда кўмаклашиш</p> <p>Мулоқот ва дам олиш доирасини кенгайтириш</p> <p>Қариндошлар, дўстлар ва танишлар, меҳнат жамоалари билан алоқа ўрнатишга кўмаклашиш</p> <p>Зарурат бўлганда кекса ёки</p>

		ногиронлиги бўлган шахсга уларга ҳомийликни белгилашда кўмаклашилади
6.	<p align="center">Туман (шаҳар) “Инсон” ижтимоий хизматлари маркази</p>	Шахсларни ўзгалар парваришига муҳтожлик даражасини баҳолаш
		Кекса киши ва ногиронлиги бўлган шахснинг мулоқот қилиши ва дам олиши соҳасини баҳолаш
		Ногиронлик мезонларини белгилаш
		Ҳуқуқий ҳимояланганликни баҳолаш
		Ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини баҳолаш
		Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан бепул таъминлаш
		Зарурат бўлганда, нафақалар ва моддий ёрдам олишда кўмаклашиш
		Қариндошлар, дўстлар ва танишлар, меҳнат жамоалари билан алоқа ўрнатишга кўмаклашиш
		Уйда парвариш қилиш бўйича тадбирлар
		Маиший хизмат кўрсатишни, овқат тайёрлашда ва супуриш-йиғиштириш ишларида, гигиена тадбирларини амалга ошириш
		Интернат муассасаларига йўналтириш
		Санаторий хизматларини олишида кўмаклашиш
		Ногиронлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш
	Ягона моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш	
7.	Иқтисодиёт ва молия	Ногиронлик пенсиясини

	вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими	тайинлаш
8.	Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси	Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб- қувватлаш “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан йилда бир маротаба санаторийларда бепул соғломлаштириш Ёлғизлар ҳолидан хабар олиш “Нуронийлар маскани”да маданият, спорт, тьюторлик, зиёратлар уюштириш ва кўнгилчилар куни хизматларини ташkil этиш
9.	Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси	Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг турар жойларини мослаштириш Диққатга сазовор жойларга зиёратларни ташkil этиш

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Давлат уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни
тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида”ги қарори
[11.03.2024 йил 124-сон]**

1-ИЛОВА

***Давлат уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни тасарруф
этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ***

Қуйидагилар **уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар** ҳисобланади:

✚ турар жой майдонига эга бўлмаган ёки яшаш учун яроқсиз уй-жойлар (бараклар, вақтинчалик уйлар, авария ҳолатидаги уйлар, ертўлалар)да яшовчи фуқаролар;

✚ **ҳар бир оила аъзоси 16 квадрат метрдан, кресло-аравачада ҳаракатланадиган ногиронлиги бўлган шахслар учун 23 квадрат метрдан кам бўлган турар жой билан таъминланганлар;**

✚ ётоқхоналарда, ишлаб чиқариш ва хизмат хоналарида яшовчилар, бундан мавсумий ва вақтинчалик ходимлар, шунингдек, ўқишлари сабабли ётоқхоналарга кўчиб ўтган фуқаролар мустасно;

✚ қариндошлик алоқалари бўлмаган икки ва ундан кўп оила бўлиб бир квартирада яшовчилар;

✚ **айрим сурункали касалликларнинг оғир турлари билан касалланган фуқаролар;**

✚ уй-жой ажратилаётган аҳоли пунктида камида уч йил яшаётган ва рўйхатда турган фуқаролар.

Қуйидагилар **аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой берилдиган фуқаролар** ҳисобланади:

✚ 1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва байналмилал жангчилар;

✚ шартнома бўйича ҳарбий хизматдан захирага бўшатишган ёки истеъфога чиққан ҳарбий хизматчилар;

✚ айрим сурункали касалликларнинг оғир турлари билан касалланган фуқаролар;

✚ кўп болали оилалар;

✚ чин етим болаларни васийликка олган оилалар;

✚ уч нафар ва ундан зиёд меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари бўлган, боқувчисини йўқотган оилалар;

✚ ишламайдиган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

✚ кексайиб қолган ёлғиз пенсионерлар — ёлғиз яшайдиган кексалар, вояга етмаган болалар ёхуд қамоқда ва жазони ижро этиш муассасаларида, узоқ муддат даволанишда бўлган шахслар билан бирга яшайдиган ўзгалар парваришига муҳтож бўлган пенсия ёшидаги шахслар (60 ёшга етган эркеклар, 55 ёшга етган аёллар);

✚ болалиқдан ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган 18 ёшгача ёки болалиқдан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган болалари бўлган оилалар.

Қуйидаги шахслар **хизмат турар жойларидан бошқа турар жой берилган ҳолда** кўчирилади:

✚ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

✚ 1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва байналмилал жангчилар;

✚ ҳарбий хизматни ўтаётганида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари;

✚ ногиронлиги бўлган фарзандлари бор оилалар;

- ✚ тарбиячи — ота-оналар (оилавий болалар уйи тугатилган тақдирда);
- ✚ хизмат турар жойи берган ташкилотларда камида ўн йил ишлаган (хизмат қилган) шахслар;
- ✚ эгаллаб турган лавозими муносабати билан турар жой берилган бўлиб, лавозимидан бўшаган, лекин турар жойни берган идора билан меҳнат муносабатларини узмаган шахслар;
- ✚ ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар, бунда ходимни бошқа турар жойга кўчириш масаласи тугатилаётган корхонанинг тугатиш комиссиясида кўриб чиқилиши лозим;
- ✚ ўзи ишлаган ташкилотдан пенсияга чиққан ходимлар;
- ✚ хизмат турар жойи берилган шахс вафот этганида унинг оила аъзолари;
- ✚ вояга етмаган фарзандлари билан бирга яшаётган ёлғиз шахслар;
- ✚ шартнома бўйича ҳарбий хизматдан захирага бўшатишга ёки истеъфога чиққан ҳарбий хизматчилар;
- ✚ айрим сурункали касалликларнинг оғир турлари билан касалланган фуқаролар;
- ✚ кўп болали оилалар;
- ✚ уч нафар ва ундан зиёд меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари бўлган, боқувчисини йўқотган оилалар;
- ✚ ишламайдиган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;
- ✚ кексайиб қолган ёлғиз пенсионерлар — ёлғиз яшайдиган кексалар, вояга етмаган болалар ёхуд қамоқда ва жазони ижро этиш муассасаларида, узоқ муддат даволанишда бўлган шахслар билан бирга яшайдиган ўзгалар парваришига

муҳтож бўлган пенсия ёшидаги шахслар (60 ёшга етган эркаклар, 55 ёшга етган аёллар);

✚ болалиқдан ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган 18 ёшгача ёки болалиқдан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган болалари бўлган оилалар.

Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш, давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва тақдим этиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи	Уй-жой шароитларини яхшилаш учун Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали сўровнома юборади.	Хоҳишига кўра
2-босқич	Давлат хизматлари маркази	Сўровномани ариза берувчининг доимий яшаш жойи бўйича туман (шаҳар) ҳокимлигига ёки фуқаронинг иш жойи бўйича уй-жой фонди бўлган ташкилотга электрон шаклда юборади.	Ўн дақиқа ичида
	ЯИДХП		Автоматик тарзда
3-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимлигининг турар жой масалалари бўйича комиссияси	1. Сўровномани кўриб чиқади. 2. Сўровномани кўриб чиқиш натижаси бўйича ариза берувчини уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар ҳисобига қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш ҳақида ташкилот раҳбарига таклиф киритади.	Ўн кун ичида
	Ташкилотнинг турар жой масалалари бўйича комиссияси		

4-босқич	Туман (шаҳар) ҳоқимлиги	Ташкилот	1. Комиссиянинг таклифи асосида ариза берувчини уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганлар ҳисобига қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қилади. 2. Қарорни (буйруқни) Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига юборади.	Бир иш куни ичида Автоматик тарзда
	Давлат хизматлари маркази		Қарорни (буйруқни) ариза берувчининг электрон манзилига юборади.	Ўн дақиқа ичида
5-босқич	Ташкилот	Ташкилот	Аҳоли пунктида фойдаланишга топширилган ёки бўшаган уй-жойларни навбат асосида уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганлар ҳисобида турган фуқароларга тақдим этиш тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қилади.	Икки иш куни ичида
6-босқич	Туман (шаҳар) ҳоқимлиги	Ташкилот	Уй-жойни тақдим этиш тўғрисидаги қарор (буйруқ) асосида QR-код (матрикс штрихли код) қўйилган ордernи шакллантиради ва Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига юборади.	Бир иш куни ичида

		юборади.	
	Давлат хизматлари маркази	Ордерни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.	Ўн дақиқа ичида
7-босқич	Ариза берувчи	<p>1. Ордерни олгандан сўнг ушбу уй-жойни балансда сақловчи ташкилот ёки унинг ваколатли органи билан ижара шартномаси тузади.</p> <p>2. Оила аъзолари билан бирга уй-жойга кўчиб киради.</p>	Ўн кун ичида Ўттиз кун ичида

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини
таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва
хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида”ги қарори
[14.10.2023 йил 539-сон]**

***“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий
ходимлар кўрсатадиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар
РЎЙХАТИ***

Т/р	Кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар
I. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар	
1.	Тазйиққа учраган хотин-қизлар ва вояга етмаганларга психологик хизмат кўрсатиш
2.	Ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик, ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар ва ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оналар учун ҳамда бола туғилганда бериладиган нафақаларни тўлаш
3.	Дафн нафақасини тўлаш
Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича	
4.	Ҳар йили бир мартаба чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича жадвални тузиш ишларини ташкил этиш
5.	Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олиш учун сертификатни расмийлаштириш
6.	Талабгорларни ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш ёки бекор қилиш, шунингдек ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатига киритиш (ундан чиқариш)
7.	Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари ва «Мурувват» интернат уйларига жойлаштириш учун мурожаатларни қабул

	қилиш ҳамда зарур ҳолларда уларга жойлаштиришда талаб этиладиган тиббий ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларига талабнома киритиш
8.	Маданий тадбирларни, шу жумладан концерт дастурларини ташкил этиш
Ногиронлиги бўлган шахслар, оғир касалликка чалинганлар, шунингдек, жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар бўйича	
9.	Ногиронлиги бўлган шахслар учун протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун сертификат расмийлаштириш
10.	Меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг тавсияси ҳамда йўлланмасига асосан бандлигини таъминлаш ёки касбга тайёрлаш бўйича туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимига йўналтириш ва мониторингини олиб бориш
11.	Ногиронлиги бўлган шахсларга Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида стационар шароитда даволаниш учун йўлланма бериш
12.	Ногиронлиги бўлган шахсларга “Параспорт ўйинларида тасниф қоидалари ва принциплари”га кўра параспорт билан шуғулланишлари бўйича берилган тавсияларига асосан спорт объектларига йўналтириш
13.	“Мурувват” интернат уйларига жойлаштириш учун мурожаатларни қабул қилиш
14.	Болаларнинг психофизиологик ёш хусусияти, мойиллиги, қобилияти, қизиқиши, ҳаёти ва соғлиғи муҳофазаси талабларига мувофиқ равишда реабилитация тадбирларини туман тиббиёт бирлашмасида, шу жумладан нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказишни таъминлаш
15.	Спорт мажмуаларида бассейн-даволаш ва жисмоний

	тарбия (ЛФК) залларидан фойдаланишни ташкил этиш
16.	Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни психологик-тиббий-педагогик комиссия текширувидан ўтказиш учун аризаларни қабул қилиш ҳамда Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг кейинги йиғилиши юзасидан ахборот бериш
Тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича	
17.	Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг йўқотилган биометрик паспортларини (идентификация ID-карталарини), туғилганлик ҳақида ҳамда никоҳ қайд этилганлиги тўғрисида такрорий гувоҳнома олиш, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги тўғрисидаги маълумотнома, ёлғиз она аризасига асосан қайд қилинган туғилганлик ҳақида маълумотнома ҳамда фамилия, исм, ота исмини ўзгартирганлик ҳақида маълумотномани тиклаш, шунингдек яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш ишларини ташкил қилиш
18.	Тазйиққа учраган аёлларни хотин-қизларнинг касб-ҳунарга ўрганиш истаги бўлганларини ҳудудлардаги мономарказ ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларида касбга ўргатишга йўлланма бериш
19.	Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза (шикоят) ва даъволар киритиш
20.	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимларига жойлаштирилган аёлларнинг вояга етмаган фарзандларини энг яқин ҳудуддаги имтиёзли шартларда мактабгача ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштириш бўйича талабнома киритиш
21.	Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларнинг тижорат банкларида йўқотилган банк пластик картасини тиклаш учун тижорат банкларига мурожаат қилиш юзасидан

	ишончнома тасдиқлаш*
Кам таъминланган оилалар бўйича	
22.	Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун аризаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритиш
Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болалар бўйича	
23.	Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўз оиласига олиш истагидаги номзодларни “Тутинган ота-оналарни тайёрлаш” курсларида ўқитишни ташкил этиш
24.	Болани васийлик, ҳомийлик, оилага тарбия (патронат)га, фарзандликка олиш, оилавий болалар уйини очиш истагидаги шахсларни ўрганиш, уларни ҳисобга қўйиш, болани уларнинг қарамоғига берилишини расмийлаштириш
Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмасдан фарзандлари олиб кетилган ота-оналар бўйича	
25.	Оилада боланинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита хавф солаётган омиллар бартараф этилганда ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўриш
Вояга етмаган (18 ёшгача бўлган) оналар ва оталар бўйича	
26.	18 ёшгача бўлган оналар ва оталарни ота-оналик кўникмаларини ривожлантиришга, фарзанд парваришига ўқитишни ташкил қилиш
II. Ижтимоий ходимлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар	
27.	Васийликка, ҳомийликка, оилага тарбияга (патронат) ҳамда оилавий болалар уйига берилган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини назорат қилиш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда кузатишни (мониторинг) амалга ошириш
28.	Оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилалар тоифаларига кирувчи шахсларга ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар тўғрисида маълумот ҳамда тушунтиришлар бериш

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича

29.	Чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш жадвалини патронаж ҳамшира билан биргаликда тузиш
30.	Ҳужжатларини расмийлаштириш ва қайта тиклашда ёрдам бериш
31.	Қариндошлари ва яқин инсонлари ўртасидаги муносабатларни тиклаш (ўрнатиш) ва ташкил қилиш
32.	Маҳалла даражасидаги ресурслар, шу жумладан ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва кўнгиллилар гуруҳларини шакллантириш ҳамда маҳалла даражасида маданий ва маърифий тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш
33.	Қонунчилик ҳужжатларида бепул берилиши назарда тутилган дори-дармон билан таъминлаш ишларини ташкил этиш
34.	80 ёшга тўлган кексаларга қараб туриш ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси расмийлаштириш*

Ногиронлиги бўлган шахслар, оғир касалликка чалинганлар, шунингдек, жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар бўйича

35.	Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар орасидан алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларни аниқлаш, уларнинг ота-оналарига мавжуд таълим шакллари ҳамда Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг фаолияти юзасидан ахборот бериш
36.	I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага қараб туриш ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси расмийлаштириш
37.	Психологик-тиббий-педагогик комиссияларнинг хулосасини олиш учун ариза қабул қилиш

Тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича

38.	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика маркази ва ҳудудий бўлинмаларида ёрдам кўрсатилган ҳамда ҳимоя ордери берилган шахсларни сайёр
-----	---

	мониторинг қилиш
Кам таъминланган оилалар бўйича	
39.	Кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа тайинлашга ариза қабул қилиш
40.	Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлашга ариза қабул қилиш
Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болалар бўйича	
41.	Боланинг қариндошлари (бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар) ва у яшаётган оиланинг шахслари орасидан болани васийликка ёки ҳомийликка олишни истаган шахсларни аниқлаш ҳамда улар тўғрисида маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига юбориш
42.	Боланинг ота-онаси қаердалиги ҳақида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, уларни “бедарак йўқолган” деб топиш чораларини кўриш учун маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига киритиш
43.	Аҳоли орасида тегишли ташвиқотларни олиб бориш натижасида, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўз оиласига олиши мумкин бўлган шахслар рўйхатини шакллантириш ҳамда уларни васийлик ва ҳомийлик органига киритиш
Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмасдан фарзандлари олиб кетилган ота-оналар бўйича	
44.	Ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф мавжуд бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига вакил тайинлаш учун юбориш
45.	Боланинг қариндошлари (бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар) ва у яшаётган оиланинг шахслари орасидан болани васийликка ёки ҳомийликка олишни истаган шахсларни аниқлаш ҳамда улар тўғрисида маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига юбориш
46.	Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида қарор қабул қилинган оилаларни мониторинг

	қилиш
Ота-онаси хорижий давлатларга кетган, шу жумладан ташқи меҳнат миграциясига кетган болалар ҳамда вояга етмаган (18 ёшгача бўлган) ёлғиз оналар ва оталар бўйича	
47.	18 ёшгача бўлган ҳомиладор оналарга ҳамда уларнинг оила аъзоларига фарзандидан воз кечишнинг психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатлари юзасидан тушунтириш бериш
48.	Ота-онасининг ҳар иккиси (ёки тўлиқ бўлмаган оилалар бўйича отаси ёки онаси) уч ойдан ортиқ муддатга чет элга кетган болаларни аниқлаш ҳамда маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига юбориш
49.	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатда бўлган ёки “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”дан бирига киритилган меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг болаларига мавсумий фаолият юритадиган оромгоҳларга бепул йўлланмалар олишга кўмаклашиш

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг сўровномасини талаб этмаган ҳолда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиладиган ҳолатлар ҳамда унинг номидан сўровнома (ариза) киритиш йўли билан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар

РҲЙХАТИ

Т/р	Ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиладиган ҳолатлар
I. Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг алоҳида розилигини талаб қилмасдан шошилиш ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиладиган ҳолатлар	
1.	Тазйиқ ва зўравонлик, шу жумладан, болаларга нисбатан зўравонлик
2.	Шошилиш тиббий ва руҳий ёрдамга муҳтожлик
3.	Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар
4.	Ота-она қарамоғисиз, қаровсиз ва назоратсиз қолиб кетган болалар аниқланган ҳолатлар

5.	Ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолатлар
II. Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс номидан сўровнома (ариза) киритиш йўли билан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар	
1.	Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахсларга ёшга доир ҳамда болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзандлари бор (бўлган) оналарга ёшга доир нафақасини тайинлаш
2.	Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналар ёшга доир, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик ҳамда вафот этган шахснинг қарамоғидаги оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларига боқувчисини йўқотганлик нафақасини тайинлаш учун
Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича	
3.	Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини ажратиш учун сертификат расмийлаштириш
4.	Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги санаторийларга йўлланмалар ажратиш
5.	Талабгорларни ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш ёки бекор қилиш, шунингдек ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатига киритиш (ундан чиқариш)
6.	Яшаш жойида санитария-эпидемияга қарши тадбирларини ўтказиш
Ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган болалар бўйича	
7.	Ногиронликни белгилаш ва ногиронлик гуруҳини ўзгартириш
8.	Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини ажратиш

9.	Ногиронлиги бўлган шахслар учун мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари тўғрисидаги маълумотнома (тавсиянома) олиш
10.	Махсус жиҳозланган транспорт воситасини бошқариш учун хулоса сўраб қилган мурожаатини тиббий-ижтимоий-эксперт комиссиясига йўналтириш
11.	Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш
12.	Ногиронлиги бўлган шахсларга ер участкаларини онлайн-аукционда сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш
13.	Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга “Параспорт ўйинларида тасниф қоидалари ва принциплари”га кўра параспорт билан шуғулланишлари учун хулоса олиш
Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахслар бўйича	
14.	Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларига жойлаштириш
Кам таъминланган оилалар бўйича	
15.	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлиги тўғрисида маълумотномани олиш
16.	Мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштириш*
Етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болалар бўйича	
17.	Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмаган вафот этган шахсининг қарамоғидаги оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларига боқувчисини йўқотганлик нафақасини расмийлаштириш
18.	Мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштириш

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим
тоифаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг
бандлигига кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида”ги қарори
[05.09.2023 йил 450-сон]**

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган **иш берувчиларга** (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ҳар бир шахс учун уч ойдан ортиқ муддатда меҳнат фаолиятини давом эттиргандан сўнг **базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида** бир марталик субсидия берилади.

Иш берувчилар жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсни ишга қабул қилгандан сўнг уч ойдан ортиқ муддатда меҳнат фаолиятини давом эттиргандан кейин субсидия олиш учун тегишли **маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда** ёки **Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали** мурожаат қилади.

Мурожаатда ишга қабул қилинган жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш берувчининг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи кўрсатилиши, шунингдек, мурожаатга жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахснинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси илова қилиниши шарт.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга субсидия ажратиш СХЕМАСИ

1-қадам

Иш берувчи жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилганлиги учун субсидия олиш мақсадида туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига (*кейинги ўринларда — маҳаллий меҳнат органи*) зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат қилади.

2-қадам

Маҳаллий меҳнат органи мурожаатни ўрганиб чиқади ва ўрганиш натижаларига кўра жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилганлиги учун субсидия ажратиш (ажратишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилади.

3-қадам

Маҳаллий меҳнат органи ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, субсидияни иш берувчининг ҳисобварағига ўтказиб беради.

Бажариш муддати умумий **саккиз иш кунини** ташкил қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида
ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон
онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш
билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги
қарори
[23.03.2023 йил 122-сон]**

Электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, **оила таркибидаги ногиронлиги бўлган шахслар** сонидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг **100 бараваригача** миқдорда бир марталик моддий ёрдам ажратилади.

Бунда электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш харажатлари миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлганда тўлиқ, харажатлар миқдори ушбу чегарадан юқори бўлган ҳолларда эса харажатларнинг базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлган қисми қоплаб берилади.

***Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги
бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион
орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ
харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ***

Асосий тушунчалар:

ариза берувчи — қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан экспертиза натижалари бўйича ногиронлиги бўлган шахс деб топилган фуқаролар ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилалар ёки уларнинг вакиллари (имтиёзли тоифадаги шахслар);

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;

электрон онлайн-аукцион (*кейинги ўринларда — аукцион*) — ер участкасини сотиб олиш бўйича аукцион ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур ахборотни киритиш, сақлаш, қайта ишлаш, шунингдек, истаги бўлган имтиёзли тоифадаги шахснинг бундай аукционга кириш (қатнашиш) имконини таъминлайдиган ахборот тизими;

ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш (*кейинги ўринларда — бир марталик тўлов*) — имтиёзли тоифадаги шахсларнинг аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун тегишлича “Саховат ва кўмак”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармалари ҳисобидан ушбу жамғармалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар томонидан бир марталик тўловларни амалга ошириш;

Комиссия — туманда (шаҳарда) ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибда ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ намунавий таркибда шакллантириладиган ҳамда тегишли туман (шаҳар) ҳокими қарори билан тасдиқланадиган комиссия.

Бир марталик тўловни амалга ошириш учун имтиёзли тоифадаги шахслар қуйидаги **мезонларга** мувофиқ келиши керак:

охирги 12 ой давомида ўзи ёки оила аъзолари номида яшаш учун мўлжалланган турар жойи ёки ер участкаси мавжуд бўлмаслиги;

- ер участкаси **охирги уч ой ичида** аукцион орқали харид қилинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши;
- қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан экспертиза натижалари бўйича **ногиронлиги бўлган шахс** деб топилган, шунингдек, тегишлилиги бўйича **“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”**нинг бирида турган бўлиши.

Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ногиронлиги бўлган шахс ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг аъзоси ёки уларнинг вакиллари	Электрон онлайн-аукцион воситаси орқали сотиб олинган ер участкаси харажатларини қоплаб бериш юзасидан туман (шаҳар) “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларидаги ижтимоий ходимлар гуруҳларига — Комиссия ишчи органига ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилади.	Ўз хоҳишига кўра уч ой ичида
2-босқич	Комиссия ишчи органи	Бир марталик тўлов юзасидан сўровнома юборган имтиёзли тоифадаги шахсларнинг рўйхатини шакллантиради; вакил томонидан мурожаат этилганда, вакилликни	Ҳар ойнинг 20-санасига қадар

		<p>тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини текширади; бир марталик тўлов юзасидан мурожаат қилган имтиёзли тоифадаги шахсларнинг сўровномаларини Комиссияга тақдим этади.</p>	
3-босқич	Комиссия	<p>Рўйхат бўйича имтиёзли тоифадаги шахсларнинг мезонларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади ҳамда молиялаштириш манбаини аниқлайди. Бир марталик тўловни ажратиш мақсадида молиялаштириш манбаини кўрсатган ҳолда, имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхатини тегишлилиги бўйича "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" жамғармасининг Васийлик кенгашлари ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига киритади.</p>	<p>Ҳар ойнинг 25-санасига қадар</p>
4-босқич	"Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" жамғармасининг Васийлик кенгашлари ҳамда халқ депутатлари	<p>"Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Саховат ва кўмак" жамғармалари ҳисобидан имтиёзли тоифадаги шахсларга бир марталик</p>	<p>Ҳар ойнинг 30-санасига қадар</p>

	туман (шаҳар) Кенгаши	<p>тўлов учун маблағлар ажратиш тўғрисида навбатдаги йиғилишларда белгиланган тартибда қарорлар қабул қилади.</p> <p>Ариза берувчилар ушбу Низомнинг 10-бандида белгиланган мезонларга мувофиқ бўлганда, уларга бир марталик тўлов ажратиш тўғрисида QR-код (матрикс штрихли код) қўйилган қарорни расмийлаштиради ва шу куннинг ўзида Комиссия ишчи органига юборади.</p>	
5-босқич	Комиссия ишчи органи	<p>Имтиёзли тоифадаги шахсларга бир марталик тўлов учун маблағлар ажратиш тўғрисидаги қарорни ЯИДХП орқали ариза берувчининг шахсий кабинетига ёки ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, қоғоз шаклида юборади.</p>	1 иш кунида
6-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимлиги	<p>“Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармаларининг Васийлик кенгашлари ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаси бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарорларига мувофиқ “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”</p>	5 иш кунида

		<p>ва “Саховат ва кўмак” жамғармалари ҳисобидан имтиёзли тоифадаги шахсларга бир марталик тўлов уларнинг банк пластик ҳисобварағига ўтказилишини таъминлайди.</p>	
7-босқич	Комиссия	<p>Бир марталик тўлов ўтказиб берилгани ҳақида ҳар бир имтиёзли тоифадаги шахсга ЯИДХП орқали уларнинг шахсий кабинетига хабарнома юборади ёки ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.</p>	1 иш кунида

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Шаҳар йўловчилар транспортида айрим
тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини
берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш
юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги
қарори
[16.09.2022 йил 507-сон]**

Қуйидаги шахсларга **имтиёзли транспорт картаси** тақдим этилади:

✚ 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;

✚ 1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари;

✚ 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

✚ Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналминалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

✚ ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар;

✚ Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

✚ **ногиронлиги бўлган кўзи ожиз шахслар;**

✚ **ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек уларни кузатувчи шахс.**

Имтиёзли транспорт картаси эгаси Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида шаҳар йўловчилар транспортида бепул юриш ҳуқуқига эга.

Шаҳар йўловчилар транспортида (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Мурожаат қилувчи ёки у ваколат берган шахс	<p>1. Имтиёзли транспорт картасини олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаларига (кейинги ўринларда — ваколатли орган) келиб мурожаат қилади.</p> <p>2. ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва сўровнома шаклини тўлдиреди.</p>	<p>1. Хоҳишига кўра</p> <p>2. Мурожаат қилинганда</p>
2-босқич	Ваколатли орган	<p>1. Имтиёзли транспорт картасини олиш учун мурожаат қилган шахс тегишли тоифага кириши тўғрисидаги маълумотларни Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат</p>	<p>Сўровнома тушганидан сўнг 2 иш куни мобайнида</p>

		<p>хавфсизлик хизмати ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг ахборот тизимлари орқали ўрганади.</p> <p>2. Ўрганиш натижасига асосан имтиёзли транспорт картасини бериш ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади ҳамда бу ҳақидаги маълумотни мурожаат қилувчига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади.</p> <p>Имтиёзли транспорт картасини бериш рад этилган тақдирда, маълумотда рад этиш сабабларини кўрсатади.</p>	
3-босқич	Ваколатли орган	<p>Имтиёзли транспорт картасини расмийлаштиради ҳамда уни мурожаат қилувчига топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборади.</p>	<p>Қарор қабул қилинганидан сўнг 1 иш куни мобайнида</p>

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш
tizimini янада такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги қарори
[07.06.2022 йил 312-сон]**

2-ИЛОВА

***“Ёшлар дафтари”ни юритиш орқали ёшлар
муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни
ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ***

Асосий тушунчалар:

ариза берувчи — “Ёшлар дафтари”га кириш ёки “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлаш бўйича мазкур Низомга мувофиқ мурожаат қилган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган (ўттиз бир ёшга тўлмаган) Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки уларнинг вакили (ўн олти ёшга тўлмаган шахс номидан мурожаат қилган унинг қонуний вакили) ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс;

Васийлик кенгаши — “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш мақсадида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари ва масъул ходимларидан иборат таркибда тузиладиган коллегиял орган;

“Ёшлар дафтари” — ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назорат қилиб бориш тизими;

“Ёшлар дафтари” электрон платформаси (электрон платформа) — ёшларга тегишли бўлган маълумотларни

жамлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш тизимини яратиш ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар билан рақамли маълумотлар алмашувини ташкил этиш, ёшларнинг мурожаатлари билан тизимли ишлаш юзасидан чоратадбирлар самарадорлиги мониторингини олиб бориш имконини берувчи махсус электрон платформа;

“Ёшлар дафтари” жамғармаси — “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман (шаҳар)ларда ташкил этилган жамғарма;

ишсиз ёшлар — ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли ёшлар (бундан таълим ташкилотларида таҳсил олаётганлар мустасно);



“Ёшлар дафтари”га доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган (ўттиз бир ёшга тўлмаган) қуйидаги тоифадаги:

✚ оила аъзоси “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган;

✚ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган;

✚ боқувчисини йўқотган, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган;

✚ ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган;

✚ ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ишга лаёқатсиз;

✚ I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;

- ✚ фарзандида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
- ✚ жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган;
- ✚ ота-онасидан бирида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёхуд ота-онасининг ҳар иккисидан I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
- ✚ юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган;
- ✚ зўравонлик ва эксплуатация, табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган;
- ✚ “Меҳрибонлик” уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оилавий болалар уйида тарбияланган;
- ✚ ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган;
- ✚ даволанишга муҳтож бўлган бемор ёшлар;
- ✚ жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган;
- ✚ муайян яшаш жойига эга бўлмаган;
- ✚ психологик маслаҳатга муҳтож;
- ✚ никоҳи қайд этилганига уч йилдан ошмаган ёш оила;
- ✚ деҳқончилик ёки томорқа хўжалигини юритаётган;
- ✚ ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёшлар киритилади.

“Ёшлар дафтари”ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун бериладиган субсидия, компенсация ва моддий ёрдам турларининг РЎЙХАТИ

Субсидия, компенсация ва моддий ёрдам турлари	Маблағ миқдори	Молиялаштириш манбаси	Мурожаат этиладиган орган	Маблағ ажратилишига кўмаклашувчи масъул
Моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш.	базавий ҳисоблаш миқдори (кейинги ўринларда — БҲМ)нинг 4 бараваригача	Ёшлар дафтари жамғармаси	Туман (шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармаси васийлик кенгаши (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши)	Маҳалладаги ёшлар етакчиси
Ёшларни тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўқитиш курслари харажатларини қоплаш.	Ўқиш харажатларнинг 75 фоизигача қисми, бироқ мос равишда ҳар бир ой учун БҲМнинг 4, 8, 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми	Ёшлар дафтари жамғармаси	Васийлик кенгаши	Ҳоким ёрдамчиси
Ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун	БҲМнинг 4 бараваригача	Ёшлар дафтари жамғармаси	Васийлик кенгаши	Маҳалладаги ёшлар етакчиси

субсидия ажратиш.				
Деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш.	БҲМнинг 8 бараваригача	Ёшлар дафтари жамғармаси	Васийлик кенгаши	Ҳоким ёрдамчиси
Ёшларга тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилиш учун нотурар жойнинг ижара харажатларини қоплаш	12 ойгача ижара харажатларининг бир йилда 30 фоизи, бироқ БҲМнинг 25 бараваригача бўлган қисми	Ёшлар дафтари жамғармаси	Васийлик кенгаши	Ҳоким ёрдамчиси
Ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ёки меҳнат қуролларини харид қилишга субсидия ажратиш.	БҲМнинг 40 бараваригача	Ёшлар дафтари жамғармаси	Васийлик кенгаши	Ҳоким ёрдамчиси
Ёшларга профессионал ва олий таълим ташкилотлари ўқувчи-талабаларининг таълим тўлов-контракт суммасининг бир қисмини тўлаб бериш.	тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, бироқ БҲМнинг 50 баравари	Ёшлар дафтари жамғармаси	Васийлик кенгаши	Маҳалладаги ёшлар етакчиси

<p>Ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш.</p>	<p>олти ойгача ҳар ойда БҲМнинг 4 баравари</p>	<p>Ёшлар дафтари жамғармаси</p>	<p>Васийлик кенгаши</p>	<p>Маҳалладаги ёшлар етакчиси</p>
		<p>Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси</p>		
<p>Ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун субсидия ажратиш.</p>	<p>ҳар ойда БҲМнинг бир бараваригача</p>	<p>Ёшлар дафтари жамғармаси</p>	<p>Васийлик кенгаши</p>	<p>Маҳалладаги ёшлар етакчиси</p>
		<p>Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси</p>		
<p>Ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда қатнашиш харажатлари учун субсидия ажратиш.</p>	<p>маҳаллий босқичлар учун БҲМнинг 4 баравари</p>	<p>Ёшлар дафтари жамғармаси</p>	<p>Васийлик кенгаши</p>	<p>Маҳалладаги ёшлар етакчиси</p>
	<p>ҳалқаро босқичлар учун БҲМнинг 40 баравари</p>	<p>Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси</p>		
<p>Ёшларга таълим, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялар соҳасига ва фанларни ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим</p>	<p>уч ой муддатгача БҲМнинг 50 баравари</p>	<p>Ёшлар дафтари жамғармаси</p>	<p>Васийлик кенгаши</p>	<p>Маҳалладаги ёшлар етакчиси</p>
		<p>Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси</p>		

ташкilotининг нотурар жой ижара харажатларини қоплаш.				
Бемор ёшларга даволаниш харажатлари учун субсидия ажратиш.	БХМнинг 50 баравари	Ёшлар дафтари жамғармаси	Васийлик кенгаши	Маҳалладаги ёшлар етакчиси
Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш.	базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари	Ёшлар дафтари жамғармаси	Васийлик кенгаши	Маҳалладаги ёшлар етакчиси
Ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадалини тўлиқ миқдорда қоплаш учун субсидия ажратиш.	хизматни ўташ бадалининг тўлиқ қисми	Ёшлар дафтари жамғармаси	Васийлик кенгаши	Маҳалладаги ёшлар етакчиси
Янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш учун кафиллик бериш.	уй-жой қуриш учун 33 млн. сўмгача гаровсиз кредит ажратишда “Ёшлар дафтари” жамғармасининг кафиллиги	Ёшлар дафтари жамғармаси	Васийлик кенгаши	Маҳалладаги ёшлар етакчиси
Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга турар жой ижараси учун субсидия ажратиш.	12 ойгача ҳар ойда БХМнинг 3 бараваридан ошмаган миқдорда	Ёшлар дафтари жамғармаси	Васийлик кенгаши	Маҳалладаги ёшлар етакчиси

<p>Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасидаги тадбирларни молиялаштириш</p>	<p>Маҳалла даражасида бир календарь ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача</p>	<p>Ёшлар дафтари жамғармаси</p>	<p>Васийлик кенгаши</p>	<p>Маҳалладаги ёшлар етакчиси</p>
	<p>сектор-туман-ҳудуд даражасида алоҳида ҳисоб-китобларга мувофиқ</p>			

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш
тизимини янада такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги қарори
[31.03.2022 йил 145-сон]**

***“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар
муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни
ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ***


“Аёллар дафтари”га 30 ёшдан ошган қуйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилади:


+ ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар — бандлиги таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган ва даромад манбаига эга бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

+ тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар — бандлиги таъминланмаган, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар;


+ боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар — боқувчиси вафот этган, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган, руҳий касалликка чалинган, I-II гуруҳ ногиронлиги бўлган ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлмаган, бедарак йўқолган (суд қарорига асосан) эҳтиёжманд хотин-қизлар, шунингдек, никоҳи бекор қилинган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва эҳтиёжманд ёлғиз оналар (ФХДЁ органларининг маълумотномаси асосида);


+ ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар — меҳнатга лаёқатсиз, ўзгалар парваришига, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар;


 **уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар** — нотурар жойларда истиқомат қилаётган, доимий яшаш учун турар жойи бўлмаган, бир хонадонда (кичик ҳовлида) уч ва ундан ортиқ оила яшаётган (уй-жой майдони белгиланган ижтимоий нормадан кам бўлган), бироқ ўзининг ёки биргалиқда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

 **қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар** — огиронлиги бўлган вояга етмаган (I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзанди ёшидан қатъий назар) фарзандини бевосита парваришлаётган эҳтиёжманд хотин-қизлар.

Бунда “Аёллар дафтари” рўйхатига киритиладиган хотин-қизлар юқоридаги тоифалардан фақат бирига киритилиши мумкин.

 **“Темир дафтар”**га киритилган оилалардаги хотин-қизлар, фарзанди **“Ёшлар дафтари”**га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, илгари “Аёллар дафтари”га киритилиб, бандлиги таъминланган ёки тадбиркорлиги йўлга қўйилган хотин-қизлар такроран “Аёллар дафтари”га киритилмайди.

 “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантиришда устуворлик илгари “Аёллар дафтари”га киритилмаган хотин-қизларга берилади.

 “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинган оилалардаги хотин-қизлар “Аёллар дафтари”нинг фақат **“ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар”, “тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар”** ва **“уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар”** тоифаларига киритилиши мумкин.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни **қўллаб-қувватлаш қўйидаги йўналишларда** амалга оширилади:

ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар учун:

✚ бандлигини таъминлаш;

✚ зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш;

тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:

тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш;

боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:

✚ бир марталик моддий ёрдам бериш;

✚ зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш;

ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:

✚ бир марталик моддий ёрдам бериш;

✚ зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш;

✚ тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун зарур тиббий ёрдамлар кўрсатиш;

уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:

✚ ижара компенсациясини тўлаш, ижтимоий уйларга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш;

✚ зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш;

қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:

✚ бир марталик моддий ёрдам бериш;

✚ зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш.

Хотин-қизлар қуйидаги ҳолларда **“Аёллар дафтари”**дан чиқарилади:

- ҳар бир тоифа бўйича белгиланган амалий ёрдамлар тўлиқ кўрсатилганда (индивидуал дастур асосида);
- тўлиқ давлат таъминотига олинганда;
- ўз аризасига кўра;
- “Аёллар дафтари”га ноқонуний киритилганлиги аниқланганда;
- бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;
- суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;
- шахс вафот этган тақдирда ёки суд қарори асосида бедарак йўқолган деб топилганда.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг индивидуал дастурга киритилган масалалари тўлиқ ҳал этилгунга қадар уларни “Аёллар дафтари”дан чиқаришга йўл қўйилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
қарори
[21.10.2021 йил 654-сон]**

Асосий тушунчалар:

ариза берувчи — оиланинг 18 ёшга тўлган ва 18 ёшга тўлмаган фарзанди бор ижтимоий нафақа олиш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими — идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамни олиш учун мурожаат қилувчилар ва олувчилар тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантириш амалга ошириладиган автоматлаштирилган ахборот тизими;

маълумотнома — “Ягона реестр” АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оила (шахс)га Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этиладиган, QR-кодга эга бўлган маълумотнома.

Болалар нафақаси оиладаги **болалар сонидан** келиб чиқиб тайинланади.

Болалар нафақаси **12 ой муддатга** тайинланади, бироқ оиланинг энг кичик ёхуд ягона боласи тегишлича ўн саккиз ёшга тўлган ойнинг охиригача тўланади.

Моддий ёрдам бола(болалар)сиз ёки барча болалари 18 ёшдан катта бўлган оилаларга ва яқка-ёлғиз фуқароларга 6 ой

муддатга тайинланади ва тўланади. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам миқдорлари қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Агар бир оилада туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган болалар **эгизак** бўлса, уларнинг бири ёши 3 ёшгача бўлган кичик бола, кейингилари мос равишда иккинчи, учинчи ёки тўртинчи ҳисобланади.

Оила:

2021 йилнинг 1 сентябридан — оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад **440 минг** сўмдан ошмаганда;

2022 йилдан бошлаб — оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаганда **кам таъминланган** деб эътироф этилади.

Бунда оиланинг даромадлари кам таъминланганлик мезонига мувофиқлигини аниқлашда минимал истеъмол харажатларининг янги миқдори Статистика агентлиги томонидан расман эълон қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун тақдим этилган аризаларга қўлланилади.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам ушбу Низомда белгиланган тартибда оила аъзоларининг тақдим этган аризаларига асосан “Ягона реестр” АТ орқали **кам таъминланган оила** деб эътироф этилгандан сўнг тайинланади.

“Ягона реестр” АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар (шахслар) қўшимча ҳужжатлар ва маълумотномаларни тақдим этмасдан, қонунчилик ҳужжатларида ушбу тоифадаги оилалар (шахслар)га белгиланган тартибда **бепул** ёки **имтиёзли шартларда**

кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам (ижтимоий нафақа) тайинлаш ва тўлаш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёзма ариза беради.	Хоҳишига кўра, бироқ жорий ойнанинг 16-санасига қадар
2-босқич	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	Ариза берувчининг оила аъзолари таркиби, мақомини аниқлайди.	2 иш куни мобайнида, бироқ жорий ойнанинг 18-санасига қадар
		Пенсия жамғармаси бўлимига ариза ва тўлиқ тўпландаги ҳужжатларни тақдим этади.	Ҳар 5 кунда, бироқ жорий ойнанинг 19-санасига қадар
3-босқич	Пенсия жамғармаси бўлими	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида маълумотларни киритади.	Ҳар куни, бироқ жорий ойнанинг 26-санасига қадар
4-босқич	“Ижтимоий ҳимоя ягона	1. Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри	Ариза берилган

	<p>реестри” ахборот тизими</p>	<p>келадиган даромад миқдори аниқланади ва белгиланган мезонларга солиштирилади. 2. Ижтимоий нафақани тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. 3. Туман (шаҳар) маҳаллий бюджетда назарда тутилган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб, аризалар кейинги ойда қайта кўриб чиқиш учун (кутиш рўйхатларига) ўтказилади. 4. Ариза берувчиларнинг мобил телефон рақамига ёки электрон манзилига ижтимоий нафақа тайинланганлиги, тайинлаш рад этилганлиги ёки кўриб чиқиш учун кейинги ойда (кутиш рўйхатларига) ўтказилганлиги</p>	<p>ойдан кейинги ойнинг 1- санасига қадар</p>
--	--	--	---

		<p>тўғрисида хабар юборилади.</p> <p>5. Ижтимоий нафақалар тўлаш бўйича электрон ҳужжатлар шакллантирилади ва АТ "Халқ банки"нинг бўлими (филиали)га юборилади.</p>	<p>Тўлов амалга ошириладиган ойнинг 4-санасига қадар</p>
5-босқич	Иқтисодиёт ва молия бўлими	<p>Ижтимоий нафақалар тўлаш учун маблағларни АТ "Халқ банки" бўлими (филиали)нинг махсус ҳисобварағига молиялаштиради.</p>	<p>Тўлов амалга ошириладиган ойнинг 4-санасидан 25-санасига қадар</p>
6-босқич	АТ "Халқ банки" бўлими (филиали)	<p>1. Ижтимоий нафақа олувчиларга тўловларни амалга оширади.</p>	<p>Тўлов амалга ошириладиган ойнинг 5-санасидан 27-санасига қадар</p>
		<p>2. Пенсия жамғармаси бўлимларига ижтимоий нафақа тўловлари тўғрисида маълумот тақдим этади.</p>	<p>Тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг 2-санасига қадар</p>

		<p>3. Тўланмаган маблағларни маҳаллий бюджетга қайтаради ва туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлимларига маълумот тақдим этади.</p>	
--	--	--	--

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
““Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га
киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда
“Ёшлар дафтари”га киритилган янги турмуш қурган
ёшларнинг якка тартибдаги хонадонда қўшимча
уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги
қарори
[12.10.2021 йил 637-сон]**

***“Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га
киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар
дафтари”га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг
якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш
учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ***

Асосий тушунчалар:

ариза берувчи — якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит олиш мақсадида банкка ариза тақдим этган ёшларнинг алоҳида тоифаларига мансуб фуқаро;

биргаликда қарз олувчи — қарз олувчининг кредити асосий суммаси ва кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ҳар ойдаги тўловларида қатнашадиган, шунингдек, кредит бўйича солидар жавоб берадиган жисмоний шахслар;

бошланғич бадал — якка тартибдаги хонадонда қуриладиган қўшимча уй-жой қийматининг кредит олиш учун қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан белгиланган меъёрларда шакллантириладиган қисми;

кредит — ёшларнинг алоҳида тоифаларига якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун 33 миллион сўмгача ажратиладиган гаровсиз кредит;

пудрат ташкилоти — якка тартибдаги уй-жойларни ўз маблағлари, банк кредити ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қуришни амалга оширувчи тадбиркорлик субъекти;

уй-жой — ёшларнинг алоҳида тоифаларининг ўз кучи билан, хусусий пудрат ташкилотларини ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларни жалб этган ҳолда ўз хонадонидан қурилган якка тартибдаги қўшимча уй-жойлар;

қарз олувчи — якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жойни қуриш учун кредит олган ва кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятига эга ёшларнинг алоҳида тоифаларига мансуб фуқаро;

якка тартибдаги қўшимча уй-жой — бир ер участкасида жойлашган, доимий яшаш, дам олиш ва шахсий хўжаликни юритишга мўлжалланган ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар тегишли бўлган бир ёки бир неча турар жой иморати.

Қарз олувчилар қуйидаги мувофиқлик мезонларига мос бўлиши лозим:

✚ кредит олиш учун мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган ёшларнинг алоҳида тоифаларига мансуб Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

✚ “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг янги турмуш қурганлари (*никоҳи қайд этилганига 3 йилдан ошмаган бўлиши лозим*);

✚ даромад манбаларига, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигидан ёхуд якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан доимий даромадга, шунингдек, кредит бўйича ҳисобланган

фоизларни ва асосий қарзни тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойда тўлаш учун етарли бўлган қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа даромад манбаига эга бўлиши;

+ қарз юки кўрсаткичи қарз олувчининг барча кредитлари ва микроқарзлари бўйича ўртача ойлик тўловларининг ушбу қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг тасдиқланган ўртача ойлик даромадларининг 70 фоиздан юқори бўлмаслиги;

+ якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш ишлари қийматининг камида 15 фоизи миқдорида бошланғич бадални шакллантириш имкониятига эга бўлиши;

+ кредит ажратишни кўриб чиқиш вақтида қарз олувчининг кредит ташкилотларидан аввал олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги;

+ илгари арзон уй-жой қуриш дастурлари доирасида имтиёзли ипотека кредитларидан ва ипотека кредитлари бўйича субсидиялардан фойдаланган ҳолда квартира ёки якка тартибдаги уй-жой ҳамда уй-жой билан таъминлаш бўйича бошқа ёрдам олмаган бўлиши;

+ якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун ер участкасига умрбод эгалик қилиши ёки мулк ҳуқуқи ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига эга бўлиши.

Кредит ёшларнинг алоҳида тоифаларига гаровсиз асосда ажратилади.

Бунда, қарз олувчининг кредитни қайтариш бўйича мажбурияти таъминоти сифатида ажратилган кредитларнинг муддати ўтган асосий ва фоиз қарздорлигини қоплаб бериш шарти билан қуйидагилар тақдим этилади:

✔ “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг янги турмуш қурган фарзандлари учун — **“Саховат ва кўмак” жамғармасининг кафиллиги;**

✔ “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг янги турмуш қурган фарзандлари учун — **“Аёллар дафтари” жамғармасининг кафиллиги;**

✔ “Ёшлар дафтари”га киритилган янги турмуш қурган ёшлар учун — **“Ёшлар дафтари” жамғармасининг кафиллиги.**

“Ёшлар дафтари” жамғармасининг кафиллиги қарздорнинг доимий яшаш жойидаги маҳалладаги ёшлар етакчисининг тавсияси асосида берилади.

Ёшларнинг алоҳида тоифаларига якка тартибдаги хонадонида қўшимча уй-жой қуриши учун кредит ажратиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи	Ер участкаларида белгиланган тартибда келишилган лойиҳа асосида ҳамда туман (шаҳар) аҳоли пунктлари Бош режаси ва шаҳарсозлик нормаларига мос ҳолда пудрат ташкилоти ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчилар билан ўз хонадонида якка тартибда қўшимча уй-жой қуриш бўйича шартномани имзолайди, ўз кучи билан амалга ошириш ҳолати бундан мустасно.	Ўз хоҳишига кўра белгиланган муддатларда
2-босқич	Ариза берувчи	Банкка кредит олиш учун ариза ва банкнинг ички кредит сиёсатига асосан тегишли ҳужжатларни тақдим	Ўз хоҳишига кўра белгиланган муддатларда

		<p>этади.</p> <p>Бунда, ариза берувчи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан бошланғич бадал шакллантирилишида якка тартибда қўшимча уй-жойни қуриш учун сотиб олинган қурилиш материаллари ва (ёки) бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қиймати ҳисобга олинади.</p>	
3-босқич	Банк	<p>Кредит олиш бўйича тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, аризани қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.</p> <p>Ариза қаноатлантирилган тақдирда, кредит шартномаси имзоланади.</p>	3 иш куни
4-босқич	Банк	<p>Ажратилган кредит суммаси ишлар қарз олувчининг ўз кучи билан ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларни жалб этилган ҳолда бажарилганда, банк томонидан нақд пулсиз шаклда бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда босқичма-босқич қарз олувчининг банк пластик картасига, пудрат ташкилоти жалб этилган ҳолларда эса — пудрат ташкилотининг ҳисобварағига ўтказиб берилади.</p>	Шартномада белгиланган муддатларда

5-босқич	Пудрат ташкилоти (ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчилар) ёки қарз олувчи ўз кучи билан	Якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жойни қуриш ишларини амалга оширади.	Шартномада белгиланган муддатларда
6-босқич	Қарз олувчи	Кредит шартномаси қайтариш графигига асосан кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини тўлаб боради.	Шартномада белгиланган муддатларда

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг
“Болаларни давлат мактабгача таълим
ташкilotларига қабул қилиш бўйича давлат
хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини
тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори
[28.03.2018 йил 244-сон]**

Давлат мактабгача таълим ташкilotларига устунлик билан қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлган болалар рўйхати:

- ✓ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг болалари;
- ✓ кўп болали оилаларнинг болалари;
- ✓ етим болалар ёки ота-онасининг қаровисиз қолган болалар;
- ✓ тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахсларнинг болалари;
- ✓ “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган кам таъминланган оилаларнинг болалари;
- ✓ “Аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз аёлларнинг болалари;
- ✓ контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг, ички ишлар ва божхона органлари ходимларининг болалари;
- ✓ талабалар ва педагогларнинг болалари;
- ✓ акалари ёки опалари ушбу муассасанинг тарбияланувчилари жумласидан бўлган болалар;
- ✓ кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача ташкilotлардан умумий турдаги мактабгача ташкilotларга ўтказилаётган соғайган болалар.

Болаларни имтиёзли рўйхат бўйича қабул қилиш давлат-хусусий шерикликка асосланган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига татбиқ этилмайди.

✔ Имтиёзли рўйхатга киритиладиган, шунингдек, махсус контингентга кирувчи болаларнинг ҳамда **ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар болаларининг сўровномалари** давлат хизматлари марказларига бориб, устунлик ҳуқуқини ёки тегишли контингентга киришини тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини нусхасини кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади. Бунда мазкур банднинг бешинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатларни тасдиқловчи маълумотлар “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан олинади. Давлат хизматлари маркази директори тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг текширилиши ва сўровномада ишончли маълумот кўрсатилишини назорат қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Ариза берувчиларда ушбу бандга мувофиқ устунлик ҳуқуқининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумот **сўровномада** кўрсатилади.

Имтиёзли рўйхатга киритиладиган, шунингдек, махсус контингентга кирувчи болалар ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг болаларига берилган йўлланмалар ҳамда уларнинг устунлик ҳуқуқини ёки тегишли контингентга киришини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари болаларни ташкилотга қабул қилиш учун асос ҳисобланади.